O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 2 (358) 2004 йил 13 январ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol va imkoniyat

ВАТАННИ ҚЎРИҚЛАР ЙИГИТНИНГ МАРДИ

Қадим-қадим аждодларимизнинг киндик қони тўкилган, муқаддас масканимиз саналмиш бу юртнинг бир кафт тупроғи, суви, ҳавоси, қир-адири-ю, тоғ-тошлари юракка шунчалик яқинки, буни бир сўз билан таърифлаш жуда қийин. Кўпинча Ватан — бу нима, деган саволга дафъатан жавоб бершга қийналамиз. Аслида Ватан бу ўзимиз, шу осмон, шу ҳаво, шу замин тафти эмасми? Ана шундай мўътабар Ватанни қўриқлаб, унинг ҳар бир қарич ери учун масъул бўлган, бутун умрини ҳарбийликка бағишлаган Ватан ҳимоячилари билан биз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тасаввур қилинг, гўдак дунёга келган дақиқадаёқ атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади. Улғайиб, камол топгач эса уни эъзозлаган шу она-юрт ҳимоясига отланади. Ватан посбони бўлганидан қалбида ғурур, ифтихор туйғуси уйғонади. Ватанни қўриқлаш эндиликда унинг ҳаётида энг шарафли вазифага айланади.

Бугун мамлакатимиз Қуролли Кучларининг қудрати ва салоҳиятини бутун дунё яхши билади. 1995 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ҳарбий Доктрина ўз мазмун-моҳияти билан ривожланиш сари қадам қўяётган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ўзига хос моделини вужудга келтирди. Яъни ҳар томонлама етук бўлган миллий профессионал армияни ташкил этиш учун шу соҳада кенг имкониятлар яратилди.

— Тўрт нафар ўғлимнинг учтаси бошқа мамлакатларда хизматни ўтаб қайтган бўлса, кенжа ўғлим юртимизда йигитлик бурчини бажараяпди, — дейди заҳирадаги подполковник Рустам Бобоназаров. — Ўзим ҳам ўзга юртларда ишладим. Бугун Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган йигитларга ҳавасим келади. Уларга барча имконият ва зарур шароит яратилган. Энг муҳими, улар юртимизда ўз Ватани учун хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий соҳада ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг амалий натижаси ўлароқ юртимизда профессионал армия шакллантирилмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, армияда муддатли ҳарбий хизмат билан бирга шартнома асосида хизмат қилиш йўлга қўйилди.

Айниқса, хизматни ўташ муддатининг 18 ойдан 12 ойга қисқартирилиши ёшларнинг армияга нисбатан ишонч ва интилишини яна мустаҳкамлади. Зеро, ёш йигитларнинг ҳар томонлама билим олиши, замонавий техник қуроллардан фойдаланиши, жанговар ҳаракатларни моҳирона олиб бориши учун 12 ой етарлидир. Энг муҳими, аскар ана шу давр мобайнида она-Ватаннинг муқаддаслигини, ота-онаси, ёру дўстларини ҳимоя қилиш унинг зиммасида эканини тушуниб етади. Ҳарбий бўлишга аҳд қилган йигитлар эса шартнома асосида хизматни ўташлари мумкин.

> ***Ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Шу боис кўплаб ёшлар айнан ҳарбийликни касб сифатида танлашмоқда. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни пайтда замонавий билимга эга бўлган офицерлар тайёрлашга ихтисослашган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий автомобилчи қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, шунингдек, Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги махсус ҳарбий факультет фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг бутунлай янги шакллари — сержантлар мактаби, тайёрлов марказлари ҳам ҳарбийликка ҳавас қилган ёшларнинг истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий соҳада олиб борилаётган бундай ислоҳотлар мудофаа қудратимизнинг ошиши ва Миллий армиямизнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, жанговар тайёргарлик самарадорлигини ва қўшинларнинг жанговар шайлигини, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, Қуролли Кучлар, махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини армия мактабини ўтаган мард ва ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрган резерв барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"**ги қарори юрт ҳимоячиларига билдирилаётган ишонч ва эътибор намунасидир.

Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаси билан Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан таъминлаш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилмоқда.

Бу эса ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириши баробарида соҳани малакали кадрлар билан таъминлаётир. Эндиликда Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитасида шартнома асосида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар таркиби Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматда бўлган мутахассислар ҳисобидан тўлдирилади. Бу эса ўз навбатида юртдошларимизда Қуролли Кучларга бўлган мустаҳкам ишонч туйғусини оширади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадлар мустаҳкамлигига мамлакатимиз қуролли кучлари тўлиқ кафолат беради. Зеро, мамлакатимизда ҳарбий соҳага тегишли барча шарт-шароит етарли. Армиямиз жаҳон андозалари даражасидаги ҳарбий тайёргарлик ва замонавий қуролярочларга эга. Бир сўз билан айтганда, Ватанимиз чегаралари мустаҳкам. Халқимизнинг мард ва жасур ўғлонлари туну кун тинчлигимизни кўз қорачиғидек қўриқлаб туришибди. Шу боис армиямиз ғурур ва ифтихор тимсолига айланди.

Зиёда АШУРОВА,
журналист

Iftixor

АСКАР БЎЛИШ ОРЗУИМ

Тенгдошларим орасида ҳарбий хизмат ҳақида турли хил баҳс-мунозаралар бўлиб туради. Менинг назаримда, ҳар бир йигит ҳарбий хизматни ўташи шарт. Чунки ҳарбий хизматда ҳар бир йигит ўзининг куч-қудрати, салоҳиятини кўрсатиш учун имкониятлар жуда кўп. Мен ҳарбий кийимдаги йигитларни кўрганимда юрагимда фахр туйғуси уйғонади, қани энди менинг ҳам улар сингари халқимга, Ватанимга фойдам тегса, деб орзу қиламан.

Оилада кенжа фарзанд бўлганим учун уйдагилар мени узоққа юборишни истамайди. Лекин мен онамга, албатта, армияга боришим керак эканлигини тушунтирдим. Онам ҳам мени тенгдошларимдан ажралиб қолишимни истамайди. Шунинг учун ҳам рози бўлди. Ҳозир ўзим коллежда таҳсил олиш билан бирга спорт билан ҳам мунтазам шуғулланаман. Чунки ҳар бир ўспирин ҳарбий хизматга ўзини тайёрлаши зарур. Бунинг учун жисмонан соғлом ва кучли бўлиш учун спорт билан узлуксиз шуғулланиш керак.

Мен ҳар бир йигит армияга бориши шарт, деган сўзни бекорга айтмадим. Бундай дейишимнинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг она Ватан олдидаги муқаддас бурчидир. Иккинчидан, аскарлик йигитни чиниқтиради. Унинг иродасини тоблайди. Ўзига бўлган ишонч ҳиссини шакллантиради. Учинчидан, бугунги аскар собиқ тузум давридагидек бировларга эмас, ўз она юртимизга хизмат қилади.

Шундай экан коллежни тугатгач, албатта, ҳарбий хизматга бораман.

Аскар бўлиш менинг энг катта орзуим.

Бахтиёр ШОМУРОДОВ,
Тошкент юридик коллежи талабаси

ИШОНЧИМИЗ МУСТАҲКАМ

Телевизорда ҳарбийга чақирилган аскар йигитларни кўриб, кўнглим алланечук ғурурга тўлиб кетади. Алпомишкелбат бу йигитларнинг соғлом қадди-қомати, ҳарбий техникани моҳирона бошқариши ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Чунки улар мустақил Ватан сарҳадларини қўриқламоқда.

Илгари вақтларда йигитларни ҳарбий хизматга йиғи-сиғи билан кузатишарди. Уларнинг аксарияти қайтиб келгандан кейин мутлақо ўзгариб кетар, қайта тарбиялашга тўғри келарди. Шунинг учун бўлса керак хизматдан бўйин товлаганлар ҳам учраб турарди.

Ҳозирда аҳвол олдингидан тубдан фарқ қилади. Йигитларнинг ҳарбий хизматга иштиёқи баланд. Чунки энди улар ўз юртини, ўз халқини осойишталигини қўриқлаётганлигини юрақдан ҳис этишмоқда.

Муддатли ҳарбий хизмат турининг йўлга қўйилиши натижасида қисқа вақт ичида ҳарбий хизматни асосларини эгаллаган чақирилувчилар армияни тугатиб, ўз юмушларини давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

Шундай йигитлар бор экан, юртимизнинг юки ерда қолмайди. Энг муҳими, биз — кексаларнинг кўнглимиз хотиржам, ҳаётимиз осойишта.

Айрим давлатларда нотинчлик бўлиб турганини кўриб — эшитиб турибмиз. Илоҳим, уруш-жанжал остонамизга йўламасин. Ватанимизни қўриқлайдиган посбонлари бор экан, юртимиз осмонинг доимо мусаффо бўлишига ишонамиз.

Ҳабибулла ИМОМАЛИЕВ,
меҳнат фахрийси,
Бўка тумани

Qonun ko`magi

Халқимизнинг етти ўлчаб, бир кес, деган мақоли замирида катта маъно бор. Ваколатли идоралар мутасаддилари ўз хизмат вазифалари нуфузи ва салмоғидан келиб чиқиб, буни асло унутмасликлари лозим. Айниқса, эндигина бизнесга қўл урган тадбиркорлар фаолиятини назорат қилганда адолат ва холислик асосий мезон бўлиши керак. Акс ҳолда, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиш ҳеч гап эмас.

АДОЛАТНИ ТИКЛАГАН ТАҚДИМНОМА

Бекобод туманидаги «Авангард» ширкат хўжалигида яшовчи Абдураим Эшбеков тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чакана савдоси тури билан шуғулланишга аҳд қилди. Шу мақсадда у 2003 йилнинг 17 августида Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги "Ғалаба" ва "Нодир" фермер хўжаликларидан буғдой дони сотиб олди. Хўжатлар расмийлаштирилиб, 29250 килограмм буғдойни иккита "КАМАЗ" автомашинасига ортишаётганда, Абдураим ўғлини машина уриб кетгани тўғрисидаги нохуш хабарни эшитиб, яшаш манзилини ҳайдовчиларга ёзиб берди-да, шошилинч равишда уйига қайтишга мажбур бўлди. Ростдан ҳам, фалокат содир бўлган, ўғли касалхонага ётқизилганди.

Ўғлини ҳолидан хабар олгач, бироз кўнгли таскин топган Абдураим уйда буғдой ортилган юк машиналарни кута бошлади. Улардан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Тадбиркор А.Эшбековнинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи номига ёзган шикоят хатидан кўчирма: "Мен Бекобод тумани ҳокимлигининг 2003 йил 16 июлдаги 373-сонли қарорига мувофиқ берилган гувоҳномага асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман.

2003 йил 17 август куни Пахтакор туманидаги "Ғалаба" ва "Нодир" фермер хўжаликлари раҳбарлари М.Шарипов ва О.Турдалиевдан қонуний асосда буғдой сотиб олган эдим. Буғдой ортилган "КАМАЗ" русумли 2 та автомашина тўғрийўлдан келаётганига қарамай тўхтатилиб, «Ойбек» божхона постига олиб келиб қўйилган. Гарчи ҳужжатларимни кўрсатган бўлсамда, шу вақтгача буғдойни қайтариб беришгани йўқ. Ҳужжатларни ҳам олиб қўйишган.

Мен буғдойни 600000 сўм нақд пулга сотиб олган эдим. Қолган 800000 сўмини ойнинг охиригача тўлашга тилхат берганман. Лекин буғдойни олиб қўйишгани боис бу маблағни тўлай олганим йўқ, шунингдек, даромаддан ҳам маҳрум бўлдим. 29 тонна буғдойни қайтариб олишимда ёрдам беришингизни сўрайман".

Маълум бўлишича, божхона катта инспектори С.Нурматов ва Х.Бердиқулов томонидан 2003 йил 18 август куни тунги соат бирларда Ўзбекистон Республикаси чегара чизиғи бўйлаб кетаётган "КАМАЗ" русумли, давлат рақами 13В 2717 ва 13 АД 395 автомашиналари тўхтатилиб, тадбиркор А.Эшбековга тегишли 29250 килограмм буғдой баённома асосида олиб қўйилган.

Гарчи автомашиналар А.Эшбеков яшайдиган ҳудудда ушланган, юк ҳужжатлари олиб келиб кўрсатилган бўлса-да, божхона ходимлари қоидабузарлик аломатлари содир этилган, деган хулосага келиб баённома туздилар. Лекин тадбиркорнинг ялиниб-ёлворишига қарамай, улар "Текширувчиларни рўйхатга олиш Китоби»га имзо қўйишни ўзларига эп кўришмади.

Хуллас, тўпланган ҳужжатлар 2003 йил 28 август куни Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан кўриб чиқиш учун Бекобод шаҳар жиноий ишлар бўйича судига жўнатилди.

2003 йил 5 сентябр куни А.Эшбековга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан суд йиғилиши асослари етарли бўлмаганлиги учун қайта суриштирув ишлари олиб бориш учун ҳужжатларни вилоят божхона бошқармасига юборишни лозим топди. Жумладан, судда гувоҳ тариқасида иштирок этган И.Усмонов А.Эшбековни танигани ва атиги уч кун бўлгани ва илгари билмаслигини айтиб кўрсатма берди. У шу кунгача Й. Охунбобоев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида котиб бўлиб ишлаб келгани ва шу бугун қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайлангани, А.Эшбековни танимайман, деганига қарамай, божхона ходими Х.Абдураззоқова айтиб туриб, маълумотнома ёздирганини айтди.

(Давоми иккинчи бетда)

Дунё кезган одам хорижда солиқ тўлаш билан ўзини бахтиёр ҳис этувчи кишиларни кўплаб учратади. Фикримизча, улар оддий одамлар эмас, балки том маънодаги ватанпарвар, солиқ тараққиёт омили эканини юракдан ҳис этувчи ажойиб фазилатли инсонлардир.

Soliq va tadbirkor

ҚОНУН ҚЎЛЛАГАННИ ҚЎЛЛАЙДИ

Яна бир ибратли жиҳати шундаки, солиқ тушумлари ўзининг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини тобора мустаҳкамлаётган мамлакатимизнинг ҳам тараққиётига хизмат қилмоқда. Давлат бюджетини маблағ билан таъминлаш бўйича кўзда тутилаётган режалар ҳар йили муваффақиятли бажарилаяпти. Бу мамлакатимизда солиқ интизомига пухта риоя этилаётгани, омма ўзининг шу масалага оид бурч ва мажбуриятларини чуқур англаётгани натижасидир. Буни Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда солиқ тушумлари ҳажми йил сайин ортаётгани ва назорат режалари доимо ортиғи билан уддаланаётгани воҳа аҳлининг ижтимоий турмушига самарали, ижобий таъсир кўрсатаяпти. Давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнеснинг янгидан-янги турларини вужудга келтириш, сафини мустаҳкамлаш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар пировардида солиқ тушумлари ҳажмининг муттасил ошиб бориш омилига айланаяпти.

Қонун қўллаганни қўллайди, талабига бекаму-кўст риоя қилганни эса доимо назарда тутади, манфаат ва ҳақ-ҳуқуқларини собит туриб ҳимоя қилади. Бу эса манфаат ва омадга етакловчи энг муҳим, ишончли ва кафолатли йўлдир.

Бироқ тадбиркорлик ҳаракати қатнашчилари орасида қонунга чап, ўзгаларга панд бериш билан ўз манфаатини изловчилар ҳам йўқ эмас. Ўз-ўзидан аёнки, қонун бу тоифа кишиларга мурувват кўрсата олмайди. У чиндан ҳам, эъзозлаганни эъзозлайди, панд берганга эса, албатта, дакки беради.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросига қаратилган саъй-ҳаракатлар бу борадаги ноқонуний ҳолатларга сезиларли даражада чек қўйди. Биргина Хоразм вилоятида ўтган йили қонунчилик қўпол тарзда бузилгани учун айбдорлар ва хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жами 848 миллион сўмлик қўшимча солиқ ва молиявий жарималар қўлланилди. Ўтказилган 918 та рейдлар ва тезкор текширувлар давомида ана шунча қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. 233 та ноқонуний ҳолат бўйича 246 нафар кишига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Давлат ва жамиятга етказилган жами 57 миллион 253 минг сўмлик иқтисодий зиён бунга сабаб бўлди. Шунинг 42 миллион сўмдан зиёди ихтиёрий ва мажбурий тарзда ундириб олинди. Айни пайтда ушбу жиноят ишлари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва молиявий жарималар 355 миллион 248 минг сўмни ташкил этади. Жами текширишлар давомида 345 миллион 758 минг сўмлик зарар миқдори аниқланди. Тўлови пайсалга солинган ёки қасддан тўланмаган солиқлар ҳажми 330 миллион 701 минг сўмдан иборат экани ҳам шу аснода аниқланиб, уни тўхтовсиз ундиришга қарата чоралар кўрилди. Ушбу ҳолатлар бўйича қўлланилган молиявий жарималар миқдори 485 миллион 189 минг сўмни ташкил этди.

Халқ ва давлат манфаатларига нисбатан содир этилган бу каби тажовузларга қонуний чора кўрилди. Тўловдан бўйин товланган солиқ маблағлари жарималар эвазига анча ортди. Бундан жамиятимиз ва оддий фуқаролар кўпроқ наф кўришади. Таассуфки, буни билишни хоҳламайдиган, солиққа чап бериб, кўпчиликни ризқ-насибадан бебаҳра қолдираётганлар ҳам бор.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

АДОЛАТНИ ТИКЛАГАН ТАҚДИМНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бинобарин, у суддан ўзи томонидан А.Эшбековга нисбатан ёзилган маълумотномани нотўғри деб ҳисоблашни сўради. Шунингдек, Й. Охунбобоев номидаги маҳалла қўмитаси раиси У.Соатов, шу маҳалла халқ посбони И.Очиловлар ҳам гувоҳ сифатида юқоридагига ўхшаш кўрсатма беришди.

Судда бундан бошқа камчилик ва хатоларга йўл қўйилгани ҳам аниқланди.

Шу ўринда мазкур масалага суд мутлақо холис ва қонунийлик нуқтаи назаридан ёндашганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳам, ўз навбатида, бу ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқди.

Текшириш шуни кўрсатдики, ҳақиқатан ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор А.Эшбеков туман ҳокимининг 2003 йил 16 июлдаги 373-сонли қарорига асосан 517-сонли тадбиркорлик гувоҳномаси олган ва у қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тури билан шуғулланган. Шунингдек, унга ўтган йил 31 июлда 62-рақам билан чакана савдони амалга ошириш учун рухсат гувоҳномаси ҳам берилган.

Бироқ божхона ходимлари томонидан тўпланган ҳужжатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси тузишда А.Эшбековнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганлиги эътиборга олинмай, амалдаги қонунчиликнинг қатор талаблари бузилган. Хусусан, А.Эшбековнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани ҳақидаги баённомада МЖТКнинг қайси моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани кўрсатилмаган ва бу билан МЖТКнинг 281-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Мазкур кодекснинг 282-моддасига кўра баённома ва бошқа ҳужжатлар, иш бўйича далилий ашёлар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ва аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган идора ёки мансабдор шахсларга юборилади. Лекин божхона ходимлари мазкур маъмурий ишни жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судига 2003 йил 28 август куни, яъни орадан 10 кун ўтгандан сўнг юборган.

Балки бу ҳолатлар арзимайдиган камчиликдек туюлар. Бироқ гап инсон тақдири, унинг шаъни тўғрисида борар экан, ҳар бир майда нарсалар ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Зеро, қонунни ҳимоя қилувчи идоралар, биринчи навбатда, ўзлари қонунга итоат қилишлари шарт.

Адлия бошқармаси ходимларининг текширишлари яна шуни кўрсатдики, А.Эшбековга тегишли буғдой ортилган автомашиналар чегарани кесиб ўтишда ёки айланиб ўтишда эмас, балки Бекобод туманидаги «Авангард» ширкат хўжалиги 5-бўлимида, тадбиркор истиқомат қиладиган ҳудудда ушланган. Автомашина ҳайдовчилари Холмат Зокиров ва Содиқ Шарипов ўз тушунтириш хатлари ва суд мажлисида буғдой А.Эшбековга тегишли экани, улар кира ҳақи эвазига юк олиб келаётганларида тўхтатилганини билдирган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, биз божхона ходимларини кечаю-кундуз қилаётган заҳматли меҳнатини камситмоқчи эмасмиз. Умуман, уларнинг ишларига аралашмоқчи ҳам эмасмиз. Лекин нафсиламбирини айтганда, ҳужжатлари тўғри юкни ойлаб ушлаб туриш кимга керак бўлиб қолди, деган ҳақли савол туғилади.

Давлат солиқ инспекциясидан олинган маълумотда А. Эшбеков банкда ҳисоб рақами очмагани Вазирлар Маҳкамасининг 280, 548-сонли қарорларига асосан нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи тадбиркорлар кунлик нақд пулни ҳисоб рақамига топшириши шартлиги кўрсатилган. Лекин тадбиркор А. Эшбеков сотиб олинган буғдойни божхона ҳисобида сақланаётгани учун сотишга улгурмаган. Натижада тадбиркорлик фаолияти ҳам тўхтаб қолган.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркор А. Эшбеков томонидан божхона фаолиятига доир қонун-қоидалари бузилмаган ва унинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқ, деган хулосага келди. Бинобарин, унга тегишли буғдой ноқонуний равишда олиб қўйилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи А. Аманбоев номига 2003 йил 9 октябр куни 02-1/2760-рақамли қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш ва айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазо чораси кўриш юзасидан тақдимнома киритди.

Давлат Божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг 01-14/5331-рақамли тақдимномага жавоб хатида жумладан, шундай дейилади: **"...Фуқаро А.Эшбековни ҳаракатларида МЖТКнинг 227-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмаганлиги сабабли маъмурий ишни бекор қилиш ҳақида Тошкент вилояти божхона бошқармаси суриштирув ишлари бўлими томонидан қарор чиқарилган.**

Ушбу тақдимнома Тошкент вилояти Божхона бошқармасининг тезкор йиғилишида пост бошлиқлари, инспектор суриштирувчилар ва навбатчиликдан бўш ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, гуруҳ ходимлари Х.Бердиқулов ва С.Нурматовлар шахсий таркиб олдида қаттиқ огоҳлантирилди".

Ҳақиқатан ҳам, фуқаро А.Эшбековга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ишни бекор қилиш ҳақида чиқарилган 2003 йил 25 октябрдаги қарорга мувофиқ олиб қўйилган 29250 килограмм буғдой ўз эгасига қайтариб берилди.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, дейишади. Биз кўпинча эришилган ғалабадан қувонамиз-у, лекин унгача бўлган машаққатли ва оғир йўлни унутиб қўямиз. Ҳақиқатнинг қарор топиши баъзан жабрдийда учун ҳам, жамият учун ҳам қимматга тушмаяптимикан, деган саволни ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Келинг, шу ўринда А.Эшбековнинг шикоят хатидан яна бир парчани эътиборингизга ҳавола қилайлик: **"Шу 2,5 ой давомида менга тегишли бўлган буғдой божхона ходимлари томонидан ноқонуний ушлаб турилгани оқибатида мен жуда катта зарар кўрдим. Мен ўзимни ҳақлигимни исботлаш учун турли идораларга ариза билан мурожаат қилдим. Ҳаттоки ҳимоячи ёллаб, хизмат ҳақига 60.000 сўм тўладим. Ундан ташқари, 24 кун ушлаб турилган автоуловлар учун ҳайдовчиларга 2.400.000 сўм пул тўлашга мажбур бўлдим"**.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси 2003 йил 18 ноябрда А.Эшбековга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Бўлиб ўтган нохуш воқеалардан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши керак. Бизнинг хулосамиз эса шундай: қонун ҳамма учун баб-баробар ва уни четлаб ўтишга ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Рустам ХУДОЙКУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Soliq va tadbirkor

ҚОНУН ҚЎЛЛАГАННИ ҚЎЛЛАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Урганчлик Эргаш Оллаберганов ана шундай инсонларнинг бири. У 4 миллион 273,5 минг сўмлик хўжалик совунини пуллашга пуллади-ю, давлатга бир тийин ҳам солиқ тўламади. Негаки, у тадбиркорликни сохтакорликдан иборат, деб билди. Шу боис ҳам, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш ва барча қатори солиқ тўлаб, ҳалол бойишга бўйни ёр бермади. Суднинг одил қарорига кўра Э.Оллаберганов ноқонуний йўл билан бойишга қаратилган хатти-ҳаракати учун каттагина миқдорда жарима тўлади. Сотувга ноқонуний чиқарилган мол эса ундан тортиб олинди.

Йил давомида бу сингари қонунбузарлик хатти-ҳаракатлари кўплаб фош этилди. 604 та ҳолат бўйича 720 нафар сохта тадбиркор маъмурий жазога тортилди. Ушбу ишлар бўйича давлатга 290 миллион 504,5 минг сўм миқдорида зарар етказилгани аён бўлди. Қонунга асосланган маъмурий тадбирлар таъсирида унинг 246 миллион 468 минг сўми шу вақтнинг ўзидаёқ давлат фойдасига ундириб олинди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарларга 13 миллион 941 минг сўмлик маъмурий жарималар ҳам қўлланилди. Йил якунига келиб, уларнинг деярли барчаси ундириб олинди.

Мамлакатимиз валюта бойлигининг ошкора қонуний айланмаси ҳам халқимизга солиқ заҳирамиздан кам фойда келтирмайди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 415-сонли махсус қарори (2002 йил 28 ноябр) қабул қилинганини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо мамлакатимизнинг хорижий иқтисодий алоқаларига гаров ҳисобланган ушбу қимматли бойлигини айрим нияти бузуқ кимсалар ўз ички бозоримизда ҳам муомала воситасига айлантиришга уринишаяпти. Жиноятнинг ушбу кўринишига қарши кураш ходимлари ўтган йили жами 27 та ноқонуний ҳолатни фош этдилар. Шу аснода 14 та иш юзасидан 13 нафар фуқарога нисбатан маъмурий, 14 та ҳолатда эса 21 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида ноқонуний айирбошлаш ёки олди-сотди воситаси, деб топилган 11 минг 427 АҚШ доллари, 23 миллион 208 минг сўм, 2600 Россия рубли ва бошқа валюта бойликлари жиноят белгиси сифатида олиб қўйилди.

Хазорасплик Баҳром Саъдуллаев қинғирлик билан бойишни ният қилиб, чучварани хом санаганлигини кеч фаҳмлади. У бойимади, аксинча, чув тушди, куйиб қолди. У 1000 АҚШ долларини 1 миллион 7 минг сўмга пуллаётганда қўлга тушди. Б.Саъдуллаев мўмайгина миқдорда жарима ҳам тўлади. Хивалик Исмоил Оллоёров бозорда 3000 АҚШ долларини сотаётганида қонун қўриқчиларининг қўлига тушди. У бу пулни "харидор"га 3 миллион 90 минг сўмга пуллашни ният қилганди. У бойлигидан ажрагани етмагандай катта миқдордаги жарима тўлашга ҳам мажбур бўлди.

Ўтказилган профилактик тадбирлар давомида ноқонуний даромад воситасига айланаёзган 207 миллион 136 минг сўмлик нақд пул маблағларини тегишли банк муассасаларига топширишга эришилди. Шу юзасидан аниқланган 80 та жиноий қилмиш эса суд ҳукмига ҳавола этилди. Узоқ вақт мобайнида тўлов имкони йўқ, дея ҳисоблаб келинган 1 миллиард 340 миллион сўмлик бокиманда қарзлар ҳам банк ҳисобига ундирилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтириш борасида ҳеч нарса қонундан, халқимиз ҳоҳиширодаси, жамият манфаатлари ва инсонийлик тамойилларидан устун бўлолмайди. Шу боис қонунга чап бермоқчи бўлганлар қаттиқ панд ейиши шубҳасиз.

Равшан ЖАББОРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Dakki

ҲАЛОЛ ҲАҚ УНДИРИЛДИ

Гулларни парваришлаш нозик иш. У ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Самарқанд вилояти «Рўзиев Муҳаммади» деҳқон хўжалиги раҳбари «И.Рўзиев оила аъзолари билан гуллар парваришига олимлар ва мутахассисларнинг тажрибаларига таяниб ёндашди. Ноёб гул кўчатларига талабгор кўплиги сир эмас. Деҳқон хўжалиги хўжаликлар ва акциядорлик жамиятлари билан маҳсулот тайёрлаб бериш бўйича `шартнома тузаётганида сарсон бўлишини ҳеч ҳам хаёлига келтирмаган экан.

— Мен, — деб ёзади Ислом Рўзиев мурожаат хатида, — ўтган йилнинг 20 февралида Оқдарё туманидаги А.Қодирий номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви билан 7-сонли шартнома имзолагандим. Шартномага асосан 4 минг дона "Питуния", 5 минг дона "Салвия" ва 300 дона "Кан" гул кўчатларини 19 апрел куни ширкат хўжалиги вакили Мансур Муродовга бериб юбордим.

Ширкат хўжалиги маҳсулотни қабул қилиб олга, банкнинг беш иш куни ичида деҳқон хўжалигимизнинг банкдаги ҳисоб рақамига маҳсулот пулини кўчириб бериши шартномада қайд қилинганди. Аммо биз билан шартномани имзолаган ширкат хўжалигидагилар маҳсулот пулини ҳамон тўламасдан келаяпти.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркор мурожаатини ўрганиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам, ширкат хўжалигидагилар гул кўчатларини деҳқон хўжалигидан олишгану, унинг ҳақини тўлашга келганда ишни пайсалга солишган. Деҳқон хўжалиги билан ширкат хўжалиги ўртасида 1 декабр куни тузилган солиштирма далолатнома бунга мисол бўла олади. Буюртмачи тайёрловчидан 400 минг сўм қарздор. Бу ўринда Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилган.

Самарқанд вилояти хўжалик суди ўтган йилнинг 22 декабр кунги очиқ суд мажлисида вилоят адлия бошқармасининг "Рўзиев Муҳаммади" деҳқон хўжалигининг қонуний манфаатини кўзлаб Оқдарё туманидаги А.Қодирий номидаги ширкат хўжалигидан 400 минг сўм асосий қарзни ундириш юзасидан киритган даъвосини кўриб чиқиб, қаноатлантирди.

Бундан ташқари, Оқдарё туманидаги "Қаҳрамон" ширкат хўжалиги, туман машина-трактор парки ва туман "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятлари ҳам деҳқон хўжалигининг қонуний ҳақини шартномада кўрсатилган вақтда тўламай келган.

Вилоят адлия бошқармасининг деҳқон хўжалиги манфаатини кўзлаб киритган даъвоси бўйича вилоят хўжалик суди "Қаҳрамон" ширкат хўжалиги ҳисобидан 254 минг сўм, МТП акциядорлик жамияти ҳисобидан 117 минг сўм ва туман "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятидан 112 минг 500 сўм маблағ деҳқон хўжалиги ҳисобига ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарди.

Собир ҚУЛИЕВ,
ҳуқуқшунос



Хива обидалари

Muammo

"ЎГАЙ" ҚАРЗДОРЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги қарорига биноан норентабел хўжаликлар тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Тугатилган хўжаликларнинг техника ва саройи МТПларга, ер-сув ва кредиторлик қарзлари янги фермер хўжаликларига тақсимлаб берилади. Сайхунобод туманидаги "Ғалаба" ширкат хўжалиги ҳам қарздорлик ҳолатига тушиб қолган эди.

Ушбу ширкат ўрнида ташкил топган янги фермер хўжаликлари 2003 йил ғалла ҳосилини "Оқ-олтиндон" акциядорлик жамиятига топширишиб, ҳақини олишолмади. Жамият фермер хўжаликлари елкасида насия уруғлик дон ҳақидан ташқари, эски қарзлар ҳам турганини ва уларни ундириб олиши лозимлигини рўкач қилиб, дон ҳосили учун ҳисоб-китобни орқага чўзиб келди. Фермерлар ўз меҳнати мевасидан биринчи йилдаёқ бахраманд бўлишдан умидвор эди. Устига устак, қарзлар қачон ва қанча муддатда узилиши лозимлиги ҳақидаги ҳужжатлар ҳали жамиятга ҳам, фермерларга ҳам тақдим этилмаган эди.

Собиқ "Ғалаба" хўжалиги шу жамиятдан ташқари, пахта тозалаш корхонаси, кимё ўғитлари базаси, нефт маҳсулотлари таъминоти ва бошқа хизмат корхоналаридан ҳам қарздор эди. Ушбу қарзлар ҳам фермерлар зиммасига тақсимланган. Хўш, жамият-ку қарзини дон ҳосили ҳисобидан олиб қолар, бошқалар нима қилишар экан?!

Сайхунобод туманидаги "Ғалаба" ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси раиси, туман ҳокими биринчи ўринбосари С.Турдиқуловнинг маълум қилишича, тугалланмаган ишлаб чиқариш қарзлари бир йилда, қопланмаган қарзларни (яъни эскисини) узиш эса уч йилдан сўнг амалга оширилиши назарда тутилган. Лекин комиссия бу ҳақда жамиятга январдан декабргача ҳам расман маълум қилмаган. Жамият эса дон ҳақини тўламай ушлаб тураверган.

Фикримиз тушунарли бўлиши учун шу қарздор фермерлардан мисол келтирамиз. "Аваз бобо" фермер хўжалигига 2003 йилда аввал экилган 12,5 гектар ғалла майдони ҳам берилган. Ушбу майдонга экилган насия уруғлик доннинг қарз пулидан ташқари, ширкатнинг "Оқ-олтиндон"дан бошқа қарзлари ҳам янги фермер хўжалик зиммасига тушган. Лекин фермер дастлабки пайтда муҳри бўлмагани учун зиммасига тушган қарзни тўлашни кафолатловчи ҳужжатни имзоламаган. Энди фермер фақат уруғлик дон учун қарзни, яъни 636 минг сўмни тўламоқчи. Жамият эса ғаллачилик бўйича жами қарзларни ушлаб қолишни мўлжаллаяпти. Лекин биринчи йили фақат уруғлик дон қарзини олиб қолиш керакми ёки жами қарз миқдориними? Бу ҳақда фермер туман ҳокимиятига июн, июл, август ойларида уч бора хат билан мурожаат этди. Аммо бундан бирор-бир натижа чиқмади.

"Устабой ота Солиҳий" фермер хўжалиги ғалла майдонига ҳар килограмм нархи 212 сўмлик бўлган 4250 килограмм уруғлик дон экилган. Бу 901 минг сўмни ташкил этади. Фермер хўжалиги жамият билан 29,6 тонна буғдой топшириш бўйича шартнома тузиб, амалда 29,5 тонна дон топширган. Унинг ҳар бир килограмми 61 сўмдан, қолгани эркин нархда, яъни ҳар бир килограмми нархи 73,2 сўмдан омборга қабул қилинган. Жами дон ҳақи 1941065 сўм бўлган. Мерос қолган кредиторлик қарзи эса 1452000 сўм деб белгиланган. Жамият барча қарзни бирйўла ундириб олишдан манфаатдор. Фермернинг эса уруғлик дон ҳақи қарзидан бошқасини тан олгиси келмаяпти. Фермер эса тугатиш комиссиясининг қарзларни тақсимлаш бўйича тузилган ҳужжатларига имзо қўймагани, яъни тан олмаганини таъкидламоқда.

Бу ғалванинг олдини олиш мумкин эдими? Ҳа, мумкин эди. Зеро, вилоят ҳокимиятида хўжаликларни тугатиш муносабати билан кўриладиган чора-тадбирларга бағишланган йиғилишда янги ташкил этилган фермер хўжаликларига манбаа билан қопланмаган кредиторлик қарзларини 3 йилдан сўнг тўлаш шарти билан тақсимлаш лозимлиги уқдирилган эди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-қарорига илова қилинган 6-жадвалнинг 11-бандида фермер хўжалиги билан кредитор ташкилотлар ўртасида қарзларни тўлаш муддати ва миқдори белгиланган ҳолда шартнома тузиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, "Оқ-олтиндон" жамияти қарзларнинг тегишли тартибда тасдиқланган ҳужжатни олиши ва фермер билан шартнома тузиши шарт эди. Бунинг ўрнига тугатилган хўжаликнинг 100 фоиз қарзларини солиштирма далолатномаси асосида 2003 йил ҳосилидан топширилган дон қиймати ҳисобидан ушлаб қолмоқчи бўлди. Ушбу хатти-ҳаракат мутлақо ноқонуний-дир. Шу туфайли фермерларга 2004 йил ҳосили учун агротехник тадбирларни амалга оширишларида сунъий тўсиқлар яратилган.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бу борада юзага келган аҳволни ўрганиб чиқиб, "Оқ-олтиндон" жамияти бошқаруви раиси номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида ёзма огоҳлантириш киритди. Унда тугатилган хўжаликнинг қарзлари қайта ҳисобланиб, фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланган қарзлар ҳисоб-китоби 2003 йил 10 декабр куни жамиятга тақдим этилгани қарамай, ҳамон ҳосили бўйича якуний ҳисоб-китоб қилинмаётгани амалдаги қонунларни қўпол равишда бузишдан бошқа ҳолат эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, туман ҳокимиятига ҳам масъул шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида хат йўлланди.

Ўйлаймизки, ушбу далил ҳамда огоҳлантиришлар "Оқ-олтиндон" жамияти ва Сайхунобод туман ҳокимиятидаги масъул шахсларни мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этишга ундайди.

Ўткир АБДУРАҲМОНОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ajab savdolar

ЕР МОЖАРОСИ

Янгиқўрғонлик Ботир Ғойибназаров 1994 йили Ж.Охунов номидаги ширкат хўжалигидан 3 гектар ер олиб, "Ботир" деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этди. 1998 йилгача барча шартномаларини тўлиқ бажариб келди. Фермер 1998 йили ҳам шартномада белгиланган ғалла режасини бажарган бўлса-да, туман ҳокимлиги яна қўшимча дон топширишни талаб этади. Фермернинг айтишича, ўша пайтлар онаси оғир бетоб бўлган. Кун-кунора туман ҳокимлигига чақириб режадан ортиқ дон топширишни талаб этишиб, "аттестациядан ўтказмаймиз" деб писанда қилишаверишган. Шунда отаси фермернинг ўрнига ариза ёзиб беради. Шу орада фермернинг онаси вафот этгани уни қаттиқ изтиробга солади. Шу сабабли фермер хўжалиги ишлари бир четда қолиб кетади. Ширкат хўжалиги эса ерни олиб қўяди.

2000 йилнинг кузида туман статистика бўлими ходимлари ундан ҳисобот топширишни сўрашади. Б. Ғойибназаров фермер хўжалиги тугатилганини айтади. Статистика бўлими ходимлари эса бу ҳақда туман ҳокими қарори чиқмаганини билдиришиб, фермерга ерни қайтариб олишни маслаҳат беришади. Уларнинг бевосита маслаҳати ва кўмаги билан "Ботир" фермер хўжалиги бошлиғи белни яна қайта маҳкам боғлайди. Ж.Охунов номидаги ширкат хўжалигининг ўша даврдаги собиқ раиси Н.Абдувалиев ва ширкат хўжалиги бош ҳосилоти А.Қамбаровга фермернинг 3 гектар ер майдони яна ўзига қайтарилиши ҳақида тушунтирилади. Натижада "Ботир" деҳқон-фермер хўжалигининг 3 гектар ер майдони қайтариб олинади. Фермер Б.Ғойибназаров мазкур ернинг 2 гектарига 180-200 минг сўм сарфлаб буғдой экади.

Ҳосилот А.Қамбаров туман статистика бўлимига топширишни лозим бўлган маълумотномани тайёрлашга улгурмай туриб ширкат хўжалигида бошқарув раиси алмашади. Янги раис Б.Қосимов эса туман статистика бўлимига топширилиши лозим бўлган маълумотномага имзо чекишдан бош тортади. Аксинча, у "Ботир" деҳқон-фермер хўжалигига қайтарилган 3 гектар ер майдонини тортиб олиш ва экилган буғдойни бузиб ташлаш ҳақида буйруқ беради. Шундан сўнг ер бетини қоплаётган буғдой майсалари бузиб ташланади. Натижада фермер ўз еридан иккинчи маротаба ажралади. 2001 йилнинг баҳор ойларида фермер хўжалигидан тортиб олинган ер майдонлари ширкат хўжалиги аъзоларига томорқа сифатида бериб юборилади. Фермернинг "арз-доди"ни эса ҳеч ким эшитишни ҳам хоҳламайди. Ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган "Ботир" фермер хўжалигининг бошлиғи вилоят адлия бошқармасига ариза ёзишга мажбур бўлади. Мазкур ариза адлия бошқармасининг ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, 1993 йилнинг 16 ноябр куни Ж.Охунов номидаги ширкат хўжалиги бошқарув йиғилишининг 24-сонли қарори билан 3 гектар ер майдони "Ботир" деҳқон-фермер хўжалигига ажратиб берилган. Туман ҳокимининг 1994 йил 16 февраль кунидаги 2/194-сонли қарори билан "Ботир" деҳқон-фермер хўжалигининг Низоми давлат рўйхатидан ўтказилган. 3 гектар ер майдони ижара шартномасига кўра 10 йил муддатга фермер хўжалиги ихтиёрига ўтказилган. Фермер хўжалиги белгиланган режа ва топширикларни бажариб, "Тадбиркорбанк"нинг туман бўлими, Давлат солиқ инспекцияси ва туман статистика бўлимига тегишли ҳисоботларни топшириб, бухгалтерия ҳисобини юритган.

1998 йилда фермер хўжалиги давлатга бошқли дон сотиш режасини бажаради. Шундай бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан режадан ортиқ дон топшириш мажбурияти фермер хўжалигининг зиммасига юкланади. Натижада фермер хўжалигининг аъзоси Турғунбой Ғойибназаров фермер хўжалиги бошлиғи номидан ерни қайтариб олиш ҳақида ариза ёзиб беради. Шу тариқа фермер хўжалигининг ери 1999 йилнинг баҳорига келиб Ж.Охунов ширкат хўжалиги тасарруфига ўтказилади.

Фермер хўжалигининг тортиб олинган еридан 1999 йилда Х.Умаров ва Р.Аҳмедалиев, 2000 йилда фуқаро А.Юсупов, М.Юсупов, А.Холиқов ва бошқа сувчилар, 2001 йилда эса А.Юсупов, Б.Юсупов А.Қўшанов ва бошқа кишилар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади. 2002 йилда яна А.Юсупов, Қ.Қурбонов, Б.Халилов ва бошқалар мавжуд ерга турли хил экинлар экишади. 2003 йилга келиб эса ушбу ердан фойдаланувчилар сони бирмунчага кўпаяди. А.Юсупов, Қ.Қурбонов, А.Раҳмонов, Р.Муртазаев, А.Қодиров, Б.Солиевлардан ташқари раиснинг укаси Т.Қосимов ҳам мазкур ердан фойдаланувчилар сафига қўшилади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, фермер хўжалигини тугатиш тўғрисидаги масала амалдаги қонунларга тўғри келадими?

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида **"Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради",** деб белгиланган. Демак, ҳар қандай фермер хўжалигини тугатиш тўғрисидаги аризани фақат фермер хўжалигининг раҳбари беришга ҳақли. "Ботир" фермер хўжалигининг раҳбаридан эса ариза олинмаган ёки ушбу фермер хўжалиги қайд этилган қонуннинг 32-33-моддалари талаблари асосида суднинг қарорига асосан тугатилмаган.

Бундан ташқари, «Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси 2-банди ва "Ер кодекси"нинг 53-моддаси талаблари қўпол равишда бузилиб, фермер хўжалигига берилган ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган. "Фермер ерлари хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас" деб белгиланган қонуний талаблар қўпол тарзда бузилган. Бошқарув раиси Б.Қосимов фермернинг еридан 0,70 гектарини укаси Т.Қосимовга «ҳадя» қилиб юборган. Йиллар давомида (2000-2003 йиллар даврида) уч гектар ер майдонидан текин даромад олиш манбаи сифатида фойдаланилган.

Собиқ туман ҳокими ва ширкат хўжалиги бошқаруви раисининг хатоси, амалдаги қонунларни менсимагани оқибатида "Ботир" деҳқон-фермер хўжалигига катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказилган.

Вилоят адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги қарорининг 2-бандига асосан Янгиқўрғон туман ҳокими номига 2003 йилнинг 21 ноябр куни 01-08-1612-сонли тақдимномани юборган эди. Мазкур тақдимномага 2003 йилнинг 17 декабр куни Янгиқўрғон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Тожибоев номидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олинди: **"Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган "Фаолият кўрсатиб келаётган деҳқон-фермер хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби"га асосан тумандаги барча деҳқон-фермер хўжаликлари аттестациядан ўтказилган. Мазкур деҳқон-фермер хўжалиги ушбу қарор асосида тузилган нуфузли комиссияга хўжаликни фаолияти тўғрисидаги бизнес режаларини тақдим этмаган ҳолда тўрт йил давомида Низомда кўрсатилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш тўғрисида туман статистика ва ҳисоблаш ишлари марказига ҳисобот бермай келган. Фермер хўжалиги бошлиғи аттестацияга қайта-қайта таклиф этилишига қарамай, ўзининг ўрнига ишончли вакили — отаси Т.Ғойибназаровни юборган. Комиссия "Ботир" деҳқон хўжалигининг фаолиятини таҳлил қилиб, бундан сўнг фермер хўжалиги сифатида фаолият кўрсата олмайди, деган хулосага келган. Мазкур деҳқон-фермер хўжалиги ўтган беш йил давомида ўз фаолиятини тиклаш тўғрисида ҳеч қандай мурожаат қилмаган. Б.Ғойибназаров фермер хўжалиги сифатида фаолият кўрсатиш истагини билдирса, Вазирлар Маҳкамасининг 300-сонли қарори асосида қайта аттестация қилиниб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади".**

Бир қарашда туман ҳокимлигининг мазкур жавоб хатида ҳам жон бордек кўринади. Чунки фермер хўжаликларининг бошлиқлари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорига асосан қайта аттестациядан ўтиши керак. Аммо шу ўринда яна бир муаммо юзага келади. Яъни фермер хўжалиги бошлиғининг аттестациядан ўтмагани унинг ерини тортиб олишга ва ўзга кишиларга ер томорқа учун тарқатиб юборишга асос бўла оладими? Ўйлаймизки, мутасаддилар ушбу масалага эътибор қаратишади ва муаммонинг оқилона ечими топилади.

Илҳомжон ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида беқиёс ишлар амалга оширилгани ва бу жараён узлуксиз давом этаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Энг асосийси, бош Қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 11-моддасида суд ҳокимияти давлат ҳокимияти тизимининг алоҳида тармоғи сифатида эътироф этилиб, унинг ҳар қандай давлат органи, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият юритиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, "Судлар тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилинганини демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Talab, taklif, mulohaza

ИЖРО: МУАММО ВА ЕЧИМ

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 6-сессиясида таъкидлаганидек, **қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг энг муҳим шарти ҳисобланади.**

Шу маънода мамлакатимизда **"Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши суд қарорларини ижро этишни қонуний тартибга солиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўш, ушбу қонун ижроси қандай амалга оширилмоқда? Бошқача айтганда, амалиётда қандай муаммоларга дуч келинмоқда?

Ушбу саволларга жавоб тариқасида **"Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 30-моддасига эътибор қаратиш зарур. Зеро, ушбу моддада ижро ҳужжати суд ижрочисининг иш юритувига келиб тушган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида ижро этилиши белгиланган.

Мазкур Қонуннинг 53-моддасида эса қарздорнинг мол-мулки ижро иши юритишни кўзгатиш тўғрисидаги қарор қарздорга топширилган кундан эътиборан бир ой муддат мобайнида хатланиши, 56-моддага асосан савдога қўйилган мол-мулк 2 ой ичида реализация қилинмаса, ундирувчига мол-мулкни баҳолаш ва ўзида қолдириш учун таклиф киритилиши белгилаб қўйилган. Амалиётда мазкур ижро ҳаракатлари учун 2 ойдан ошиқ муддат талаб этилади ва ўз-ўзидан ижро муддатининг бузилишига сабаб бўлади. Шу боис ушбу моддага "Ижро ҳужжатини ижро этиш қарздорнинг мол-мулкини сотиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда ижро ҳаракатларини 4 ой ичида амалга оширилиши мумкин" деган янги банд киритишни таклиф этмоқчимиз.

Шунингдек, қонуннинг 56-моддасида белгиланган ҳолатларда қарздорнинг мол-мулки "кимошди" савдосига қўйилса, Фуқаролик кодексининг 380-моддаси талабига асосан, "кимошди" савдоси ўтказилиши тўғрисида матбуотда бир ой олдин хабар берилиши лозим. Демак, қарздорнинг мулкини хатлаш, баҳолаш ҳамда биржада "кимошди" савдосини ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ижро ҳаракатлари учун 3 ойга яқин муддат талаб этилади. Ана шу муддатнинг чўзилиб кетиши олдини олиш ва ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш учун қарздорларнинг хатланган мулки биржага "кимошди" савдосига қўйилганда, ушбу мулкка эълон бериш муддатини 15 кунга қисқартириш лозим.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 38-моддаси якунловчи қисмида суднинг ижро ишини юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрими устидан 10 кунлик муддат ичида хусусий шикоят ёки протест билдирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бироқ ушбу модданинг асосий қисмида судлар томонидан ижро иши юритиш қандай ҳужжат асосида тўхатилиши аниқ кўрсатилмаган. Натижада амалиётда судлар томонидан тегишли хат тақдим қилиш орқали ФПК ҳамда ХПКнинг тегишли моддаларига асосланиб ижро иши юритиш тўхтатилмоқда. Ушбу ҳолат ижро иши юритиш тўхтатилган ижро ҳужжатлари бўйича тарафларнинг қонунда белгиланган шикоят қилиш ҳуқуқини чекламоқда. Шунингдек, ушбу модданинг 2-қисмида ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш суд ижрочиси турган жойдаги суд томонидан амалга оширилиши белгиланган. Маълумки, ҳозир жойларда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари фаолият кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, қонуннинг мазкур моддасига "Суд ижрочиси турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан амалга оширилади" деган мазмунда банд киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу амалиётда йўл қўйилаётган айрим сансолларликка чек қўйишга хизмат қилади.

Бундан ташқари қонуннинг 47-моддаси 4-бандидаги "Қарздор, ундирув, биринчи навбатда, қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақли" деган сўздан кейин "суд ижрочиси томонидан бундай талаб ундирувчининг манфаатларига хилоф бўлмаса ёки ижро ҳужжатини тўлиқ ижро қилишга монелик қилмаса, қаноатлантирилиши мумкин. Акс ҳолда суд ижрочиси ундирувни қарздорнинг муайян турдаги мол-мулкига қаратиш навбатини ушбу қонун талабига қатъий риоя этган ҳолда белгилайди", деб қўшимча киритиш зарурати бор. Чунки амалиётда ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш жараёнида қарздорлар томонидан ундирувга қаратиш учун фойдаланишга яроқсиз ва сифатсиз мулклар таклиф қилиниб, ушбу талабни қаноатлантирмаслик эса қонуннинг қайд этилган талабининг бузилишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қарздорларнинг суд ижрочилари ҳаракатларидан норозилик билдиришига ҳамда ижро ҳужжатларининг белгиланган муддатларда бажарилмасдан қолишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчил равишда амалга оширилмоқда. Бу эса амалиётда учраётган муаммоларни аста-секин бартараф этиш имконини беради. Шу маънода баён этилган таклиф ва мулоҳазалар ана шундай муаммоларнинг ечимини топиш йўлидаги саъй-ҳаракат деб баҳоланмоғи лозим.

Зеро, муаммога оқилона ечим топиш ҳам тараққиёт сари ташланган дастлабки ва муҳим қадам ҳисобланади.

Юнус ҲОЖИЕВ,
ҳуқуқшунос



Пойтахт манзаралари

Menda taklif bor

"ИЖРО ТАРТИБИ МУКАММАЛЛАШТИРИЛСА..."

2001 йилда жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судига фуқаролар Алишер Султонов ва Разиф Арслоновдан менга нисбатан етказилган зарарни ундириб беришни сўраб даъво аризаси берган эдим. Суд даъвомни қаноатлантирди ва 292600 сўмлик зарарни ҳар икки айбдордан солидар тартибда ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шундан сўнг Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлинмасига ижро варақаси топширилди.

Бироқ орадан икки йил ўтса-да, зарар ундирилмади. Энг қизиғи, ўтган йили ижро варақаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддаси 4-бандига асосан ўзимга қайтариб берилди. Ижро варақасида қарздор Р.Арслоновга тегишли мол-мулк, банк ёки бошқа кредит ташкилотларида ҳисоб варақаси, омонати ёки қийматга эга қоғозлари борлиги тўғрисида маълумотга эга бўлсам, яна қайта уч йил ичида мурожаат этишим мумкинлиги қайд этилганини ўқиб, очиғи, ҳайрон бўлдим. Нега деганда, қарздорнинг мол-мулки, пули бор-йўқлигини қандай қилиб ўзим излайман? Ахир, ҳеч қаерда муқим ишламай, тасодифий даромадлар билан кун кўриб, қарзини тўлашдан бўйин товлагани учун ҳам Р.Арслонов устидан судга мурожаат этган эдим-да!

Албатта, бу билан суд ижрочилари ҳаракатини ноқонуний демоқчи эмасман. Гап шундаки, мен ушбу муаммонинг ечимини топиш учун қонунга ўзгартириш киритишни таклиф этмоқчиман. Зеро, қонун ижодкорлиги узлуксиз жараён бўлиб, амалиётда учраган муаммоларни ҳал этиш учун қонунга тегишли ўзгартириш киритиш табиий ҳол ҳисобланади. Бу таклифга ҳуқуқшуносларва амалиётчилар қандай муносабат билдиришар экан?

Оқназар ҚУРБОНОВ,
Гулистон шаҳри

Tahlil va saboq

БОЛАНГИЗ БАҒРИНГИЗДАМИ, БИРОДАР?!

МУҚАДДИМА

Инсон нима учун яшайди?

Бир қарашда бу савол кишига қанчалик қизиқ ва оддий кўринмасин, жавоб излаган сайин унинг мураккаб ва жумбоқ экани маълум бўлаверади. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, ушбу саволни турли тоифа, турфа касб эгалари ихтиёрига ҳавола этиб, муносабат билдиришни сўрадик. Жавоблар ҳам худди эгалари каби турфа хил бўлди. Яъни кимдир "оила", "фарзандлар", "иш" учун, кимдир обрў учун, яна биров "бой-бадавлат яшаш учун" қабилида жавоб берди.

Қисқаси, ҳар бир инсон кўнглидаги мақсад-маслагидан келиб чиқиб, ҳаётга назар ташлайди, саъй-ҳаракат қилади. Ҳолбуки, кўнгилда мақсад бўлмаса, яшашнинг ҳам қизиғи қолмайди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, "яхши иш", обрў-эътибор, бойлик, қўш қаватли ҳовли-ю, қўша-қўша машиналарнинг кимга кераги бор? Одамзод нега тиним билмай ишлайди? Нима учун мол-давлат йиғади? Нега данғиллама уйлар қуриб, дабдабали тўйлар қилади?

Бу саволларга ким қандай жавоб беришини билмадигу, аммо халқимиз йиққан-тергани, топган-тутгани, бутун борлиғини ҳамиша фарзандлари йўлига нисор этади. Ота-она ўзи оч юриши мумкин, лекин имкон даражасида боласини яхши едириб, яхши кийдиришга ҳаракат қилади. Улар икки-уч жойда қийналиб ишласа-да, болаларининг бировдан кам бўлиб, кўнгли ўксишига йўл қўймайди. Бир сўз билан айтганда, халқимиз бола-чақаси учун яшайди.

Тўғри, бу гаплар ким учундир шунчаки оддий гап бўлиб туюлиши, баъзи бировлар "ҳамма биладиган гаплар-ку?" деб эътироз ҳам билдириши мумкин. Бироқ бу масаланинг биргина жиҳати. Унинг бошқа томонлари ҳам бор.

"ХОТИНИМ "ДАВРАБОП" ЭМАС..."

Бир танишимиз узоқ йиллар мобайнида илмий-тадқиқот билан шуғулланди. Уйжой, моддий таъминот туфайли оиласи қишлоқда, ўзи шаҳарда яшади. Қийинчилик билан бўлса-да, олим кишига лозим бўлган ҳамма даражаларга эришди. Ҳурмат-эътибор қозонди, ҳовли-жой, машина олди...

У аввалига имкони йўқлиги учун оиласини шаҳарга олиб кела олмаган эди. Кейин эса...

Қайси бир йили қишлоқда ўғилларига дабдабали тўй қилди. Таниш-билиш, оғайнилар билан тўйга бордик. Қишлоқда ҳам туппа-тузук уйи бор экан. Хотини, ўғил ва қизлари, қариндош-уруғлари меҳмонларга парвона. Яшириб нима қилдим — уларга ҳавасим келди. Айниқса, шунча йил эрдан узоқда яшаб, сочи супурги, қўли косов бўлиб яшаётган аёлга ҳурматим ошди. Эри бекорга ҳамиша хотини ҳақида оғзидан бол томиб гапирмас экан, деб ўйладим. Лекин ялтироқ бўйинбоғлар тақиб, хоржнинг энг қимматбаҳо кийимларини кийиб, виқор билан казо-казо меҳмонларни кутаётган эр олдида қисинибгина турган аёлнинг устида осилиб турган одмигина кийими ҳайратга солди. Албатта, гап кийимда эмас. Лекин эрнинг хотинга қилаётган беписанд муносабати ҳаммасидан ошиб тушар эди...

Тўйдан қайтишда шерикларимга бу ҳақда гап очгандим, улар мендан хафа бўлишди. "Ахир, тузини едик, энди ғийбат қилиш шартми?" — дейишди. Мен бу ғийбат эмаслигини, бор-йўғи шундай мўътабар аёлга бундай беписанд муомала қилиш яхши эмаслигини тушунтирмоқчи бўлдим. Афсуски, уларга фикримни тушунтириб беролмаганим учун дардим ичимда қолди.

Орадан икки-уч йил ўтгач, тасодифан яна ўша аёлни учратиб қолдим. Шаҳардаги институт дарвозаси олдида турган экан. Маълум бўлишича, катта қизи мактабни битириб, шу ерга ҳужжат топширяётган экан. Ичимда ҳайрон қолган бўлсам-да, сир бой бермай турмуш ўртоғининг нега келмаганини суриштирдим. У саволимга маҳзунгина "у кишининг вақти йўқ экан", деб қўя қолди. Хуллас, гапимиз қовушмай, куруққина хайрлашдик. Кейин ўша тўйга бирга борган танишларнинг бирига қўнғироқ қилиб, олим ошнамизнинг аҳволи билан қизиқдим. Танишимнинг айтишича, у аллақачонлар биринчи хотини билан ажрашиб, бошқасига уйланиб кетган экан. Шунда унинг қишлоқдаги фидойи аёлига нисбатан бўлган ҳурматим ўн чандон ошди... Ахир, кеча учратганимда, аёл бу ҳақда бир оғиз ҳам гапирмаган эди-да. Эрини ёмонлаш у ёқда турсин, арз-дод ҳам қилгани йўқ. Фақат "у кишининг вақти йўқ экан", деди, холос. Агар унинг ўринда бошқа аёл бўлганида...

Шундан сўнг ҳар ҳолда тузини еганмиз, салом-алигимиз бор, бошига бирор иш тушдимикин, деган ўйда олим дўстимизни излаб уйига бордим.

Эшикни ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги калта шорти, эгнига енгсиз майкасимон нимадир кийиб олган бир жувон очди. Салом бериб, ошнамизни сўрадим. У эса саломимга алик олишни ҳам эп кўрмай ортига қайрилди. Ортига бурила туриб, "Алик, к тебе", деди зардали овозда. Адашдим шекилли, деб турсам, остонада олим ошнамиз кўринди...

Икки соатлик суҳбатимиздан шуни билиб олдимки, унинг биринчи хотини "давраб оп" эмас экан. У билан тўйларга боришга уялармиш. Шунинг учун бошқа аёлга уйланибди... Буни эшитган биринчи хотини талоғини сўрабди...

(Давоми тўртинчи бетда)

Sud hokimiyati

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий негизи ва мақсади барқарор фуқаролик жамияти барпо этишдир.

Мақсадимиз фуқаролик жамиятини шакллантириш экан, демак, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, уларнинг кафолатланиши энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Асосий Қомусимиз бўлмиш Конституция ва қонунларимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг 44-моддасида **"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"**, деб белгиланган бу фикримизнинг яққол исботидир.

Маълумки, суд давлат ҳокимияти бўлиб, бошқа давлат ҳокимиятларидан мустақил равишда ўз фаолиятини амалга оширади.

Президентимизнинг 2000 йил 14 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармонига асосан судларнинг ихтисослашуви жорий этилди ва умумюрисдикция судлари негизида алоҳида, фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судлар негизида алоҳида, фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судлар ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида суд ислоҳотлари йўлида муҳим ва жиддий қадам бўлиб, фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш баробарида, судларда ишларни сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.

Мамлакатимиз Президенти Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида давлатимиз олдида турган муҳим вазифаларнинг етти устувор йўналишини белгилаб берди. Жумладан, жамиятимиз тараққиётидаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган бўлса, яна битта муҳим устувор йўналиш — суд-ҳуқуқ соҳасида бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш деб белгиланди.

Бу устувор йўналишлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан кафолатланишини янада мустаҳкамланишида дастур бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Ушбу ислоҳотларни амалга оширилишида Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганига гувоҳи бўламиз.

Фикримизнинг далили сифатида Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди ва туманлараро судлар томонидан 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида кўрилган фуқаролик ишлари таҳлилига кўра, туманлараро судлар томонидан кўрилган жами 4848 та фуқаролик ишларининг 34 фоизи меҳнат низолари, 2 фоизи мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни, 2,5 фоизи ижара ва пудрат шартномалари билан боғлиқ низоларни, 1,8 фоизи тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ низолар ташкил қилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида давлат органлари тизимида идоралар томонидан, ўзларининг ваколат доирасида тегишли қарорлар қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Ана шу идораларнинг қабул қилган қарорларидан норози бўлган фуқаролар суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкинлиги ҳам қонун билан белгилаб қўйилган.

Судлар томонидан фуқаролик ишларини мазмунан ҳал қилишда чиқарилган ҳар бир қарордан норози бўлган тарафлар Фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда юқори инстанция судларига мурожаат қилишлари мумкинлиги айнан шу қарорда кўрсатиб ўтилади. Бу эса жамиятимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг яна бир омили ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлашда уларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Модомики, шундай экан, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда суд идоралари ҳам фаол иштирок этмоғи лозим.

Мамлакатимиз ривожланган ҳуқуқий давлат, фуқаровий жамият барпо этиш йўлида ислоҳотларни амалга ошириб борар экан, суд ҳокимияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ва уларнинг кафолатини таъминловчи алоҳида мустақил ҳокимият бўлиб қолади.

Абдухалил СОАТОВ

Jahon tajribasi

МИРАНДА ҚОИДАСИ

Ҳар қандай ҳуқуқни белгилаш шахснинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини мустаҳкамлашдан бошланади. Таъкидлаш жоизки, шахс эркинлиги ва дахлсизлиги ҳуқуқининг бундай мақоми фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли юзага келди. Жумладан, 1966 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт дунё мамлакатлари қонунчилигига, энг аввало, конституциявий қонунчилигига катта таъсир кўрсатди.

Ушбу пактнинг 9-моддасида шахснинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланган. Унга мувофиқ ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган қоида ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким куч ишлатиб ёки куч ишлатишни таҳдид қилиб, инсонни қийноққа солишга, тинтув ўтказишга ҳақли эмас. Шахс ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ҳаёт йўлини танлашга ҳақли (оила қуриш, ишга кириш ва ҳ.к.). Жиноий-ҳуқуқий, жиноий-процессуал, маъмурий-процессуал кафолатлар ҳисобланган ушбу ҳуқуқлар суд тартибида ҳимояланишни ифода этади. Ушбу ҳуқуқларни чеклашга қонун талаби ва суд назорати билан йўл қўйилади. Эркинлик ҳуқуқи асоссиз равишда қамаш, тинтув ёки ушлашдан кафолатлашни ҳам қамраб олади. Озодликдан маҳрум этиш жазоси фақат суд ҳукми асосида амалга оширилиши лозим. Шунингдек, халқаро ҳуқуқда шахсни қулликда сақлаш ёки қул савдоси инсон табиатига қарши қилмиш ва оғир халқаро жиноят деб тан олинган.

Шахсий дахлсизлик тушунчаси инсон эркинлигидан вақтинча маҳрум қилиш (қамоқ ва тегишли маҳкамада ушлаб туриш) қонунда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда амалга оширилишини ҳам англатади. Жиноят ишини кўзғатиш мобайнида қамоққа олишга тегишли идора санкция берган ҳолдагина рухсат этилади. Ҳарбий хизматчилар тегишли қонун ва Низом асосида интизомий муваққат қамоқ жазосига тортилиши мумкин. Шахсни тегишли маҳкамада ушлаб туриш жазосини аниқлаш учун) бўлиши мумкин, аммо бу ҳар доим санкция билан амалга оширилади. Эрон қонунчилигида жиноят устида ушланган жиноятчиларни муддатсиз ушлаб туриш мумкинлиги тўғрисидаги қоида мавжуд. Мамлакатимиз жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкинлиги белгиланган:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатса;

3) унинг ўзи ёки кийимида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, асосланмаган ҳолда ушлашга қарши асосий ҳуқуқий кафолат ўрта асрларда Буюк Британияда вужудга келган ва кўп мамлакатларда шу ном билан қабул қилинган "habeas corpus" институти ҳисобланади. У ҳар қандай гумонланувчининг талабига биноан судга келтирилиши шартлигини ва у ушланганни гаров эвазига озод қилиш ёки қамоққа жўнатишни ҳал этишини англатади. Шунингдек, ушбу қоидага мувофиқ шахс ўзининг айбдорлик хусусияти ва сабаби ҳақидаги маълумотга эга бўлиш, гувоҳлар билан юзлашиш, гувоҳни мажбурий келтириш, ҳимоячи ёрдамидан фойдаланишга ҳақли. Агар бу кафолатларга риоя этмаса, шахс юқори судлов ҳокимиятига апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин. Бу ҳол кейинчалик шахснинг оқланиши, айблов ҳамда ушлаб туришдан озод этилишини назарда тутади.

Бу каби қоидалар халқаро ҳуқуқда "Миранда қоидаси" деб аталади. Бу ном 1966 йили АҚШда одам ўғирлаш ва зўрлашда айбланиб, ушланган фуқаро Эрнесто Миранда билан боғлиқ. Гап шундаки, Миранда ушлангандан кейин бир қатор жиноятларни содир этганини тан олади. Бироқ АҚШ Конституциясининг 5-қўшимчасига биноан уни ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи ҳақида огоҳлантиришмайди. Шунингдек, у 6-қўшимчага биноан ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи ҳақида ҳам огоҳлантирилмаган эди. Муайян вақт ўтганидан сўнг Миранда полиция ходимлари томонидан алданганини билиб қолади. Тазйиқ остида ўзига қарши ўзи гувоҳлик бергани, шунингдек, ҳимоячи билан таъминланмагани сабабли жиноят содир этганини рад этади. Ушбу иш юқори суд томонидан кўриб чиқилиб, илгари айбини тан олганига қарамай Мирандани озод этиш ҳақида шов-шувли қарор чиқаради. Шундан сўнг шахснинг эркинлиги ва дахлсизлиги тушунчаси халқаро ҳуқуқда "Миранда қоидаси" атамаси билан ҳам истифода этила бошланди. Ҳозирги пайтда кўпгина хорижий мамлакатларда полициячилар "Миранда қоидаси"га сўзсиз риоя этишади. Аниқроқ айтганда, полициячилар бирор шахсни ушлаш олдидан унга гапирмаслик ва ҳимоячи билан таъминланиш ҳуқуқига эгалиги ҳақида огоҳлантиришади. "Миранда қоидаси"га амал қилмаслик шахснинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилиши деб баҳоланади ҳамда ушлаб турилган шахс озод этилади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, "Миранда қоидаси" шахс эркиниги ва дахлсизлигини қонуний кафолатлашга хизмат қилади. Шу боис у эркин фуқаролик ва ҳуқуқий жамиятнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ойбек ИЗЗАТОВ,
Акмал ЮНУСОВ

СУД ОЧЕРКИ

НАФС ОЛОВИ

"Ўхшатмасдан учратмас" деган нақлни кўп марта эшитганмиз. Аслини айтганда, бу нақл дунёқараши, феъл-атвори бир-бирига яқин, мақсад-маслаги бир бўлган кишиларга нисбатан қўлланилади. "Қаҳрамон"ларимиз Акмал, Зоҳид ва Шерзод (исмлари ўзгартирилди)ни ҳам ана шундай тоифадагилар сирасига киритиш мумкин. Чунки ёши, яшаш жойи ҳар хил бўлган бу йигитлар қабих ният йўлида бирлашишди.

I. ҚАБИҲЛИКНИНГ БИРИНЧИ ҚАДАМИ

Бундан бир неча йил илгари Ноила Марғилондаги ипак-газлама комбинатининг тижорат бўлими директори вазифасида ишларди. Иш жойи-ю лавозимига қараб туриб, унинг ўзи тўқ, анча-мунча йиққан-терган мол-мулки борлигини билиш қийин эмасди.

Акмал буни аллақачон англаб етган, шунинг учун қандай йўл билан бўлмасин Ноилага яқинлашиш, унинг ишончига кириб, сўнг кўнглида тугиб юрган ниятини амалга оширишни ўйларди. Охир-оқибат шундай бўлди ҳам.

— "Дўст билан обод уйинг" деган гапни мен жуда қадрлайман. Шунинг учун дўстларимнинг сони яна биттага ортганлигидан бошим осмонга етди, — деди у Ноилага.

Бунга жавобан Ноила шундай деди:

— Раҳмат, Акмалжон. Сиздек кўнгли очиқ инсон билан танишганимдан мен ҳам мамнунман.

Уларнинг муносабати ана шу зайлда давом этди. Акмал имкон қадар Ноилага яхши муомала қилар, унинг фикру-зикри аёлнинг ишончига кириб олиш эди. Турмуши бузилиб, ўзи ёлғиз қолган аёл ҳам вақт ўтиши билан бу "беминнат ёрдамчи"нинг маслаҳатига қулоқ солиб иш тутадиган бўлиб қолди. Ҳадемай орадан олти ой ўтди. Шунда Акмал кўнглидаги пинҳон ниятини амалга ошириш пайти келганини англади. Унинг мақсади — Ноиланинг йиғиб-терган бойлигини қўлга киритиш эди. Шу ниятда у одатий учрашувларнинг бирида бу ҳақда аста гап очди:

— Ноила опа, менда бир таклиф бор. У ҳам бўлса, сизнинг фойдангизга. Сиз обрўли бир корхонанинг раҳбарларидан бирисиз. Буни кўпчилик билади. Энди дўст бор, душман бор. Шунинг учун баъзи кўзга кўринадиган нарсаларингизни бизникига олиб бориб қўйсак, сал бехавотирроқ турармиди, дейман. Ҳар ҳолда ёлғиз ўзингиз яшайсиз...

Ноилага унинг бу таклифи ўринлидек туюлди. Бироз ўйланиб тургач, рози бўлди. Қисқаси, шундан сўнг Акмал унинг гиламлари, икки дона "ДЭУ" ва битта "Зафар" маркали телевизорлари, "Самсунг" видеомагнитафони, мусиқа маркази, "Зил" музлатгичи, ҳар хил қимматбаҳо идиш-товоқлар, турли тилла тақинчоқлар, кийим-кечаклар, қурилиш материаллари — жами 16.892.420 сўмлик моддий бойликлари ва дастлаб 17.000, кейинчалик 19000 АҚШ долларини сақлаб туриш учун уйига олиб кетди. Шундан сўнг орадан икки йилча вақт ўтди. Аввалига Ноиланинг кўнгли буткул хотиржам, ҳатто Акмалнинг таклифига кўнганидан мамнун эди.

Кейинчалик у берган нарсаларини қайтариб олиш ниятига тушиб қолди. Шу мақсадда у Акмалга гап очди. Бироқ Акмал молмулкни қайтариб беришдан нафақат очиқ-ошкор бош тортди, балки таҳдид ҳам қилди:

— Яна бир марта ўша нарсаларингни ёдимга солсанг, жонингдан умидингни узавер!..

Бечора аёл дардини кимга, нима деб айтишни билмасди...

(Давоми тўртинчи бетда)

Tahlil va saboq

БОЛАНГИЗ БАҒРИНГИЗДАМИ, БИРОДАР?!

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

— Эй, — деди у сухбатимиз сўнггида, — менга барибир. Энди ўзига қийин бўлади. Ажрашамиз деди, ажрашдим. Болаларни ўзим қарайман, деди. Билганингни қил, дедим, данғиллама ховли қилиб бериб қўйган бўлсам. Қолаверса, болалар ҳам катта бўлиб қолишди, энди ўзларини ўзлари эплаб кетишар. Ўзим учун ҳам яшайин-да, ошна...

Шунда энди унга айтадиган гапим қолмаганини англаб етдим.

Қайтар чоғимда ўз-ўзимга савол бердим: ИНСОН НИМА УЧУН ЯШАЙДИ?

"БОЛАЛАРИМНИНГ ҲАҚИНИ БЕРСИН..."

Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Н. Нормуродов номидаги кўчанинг 12-уйида яшовчи Ҳанифа Мамажонованинг таҳририятга йўллаган шикоят хати собиқ дўстимнинг қилмишларини яна ёдимга солди. Хатнинг қисқача мазмуни қуйидагича:

"... 1984 йилда Шавкат Мамажоновга қонуний турмушга чиқдим. 1985 йилда С. Отабоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 7 сотих томорқа олиб, 2 хоналик уй қурдик. Шу ховли-жойда уч нафар фарзандли бўлдик. Болаларимиз улғайиб қолишгани учун 1997 йилда ховлимизнинг пастки қисмида яна иморат қурдик.

Кейинчалик ҳар хил "ғиди-биди" туфайли эрим мен билан ажрашиш тараддудига тушиб қолди. Ажрашиш учун судга борганимда ховлимизнинг пастки қисмида қурилган хоналар қайнотам Валижон Мамажоновнинг номига ўтказилганини билиб қолдим. Ҳолбуки, қайнотам Денов шаҳри, Ш. Рашидов номидаги кўчада жойлашган 61-уйда алоҳида истиқомат қилади. Бошқа ўғиллари ҳам ўз ховли-жойларига эга. Нега энди у мен ва болаларимнинг ҳақига шерик бўлиши керак?..

Хуллас, судма-суд қатнаб билганим шу бўлдики, улар уйни мендан тортиб олиш мақсадида аввалдан тил бириктириб, ховлимизнинг ярмини қайнотамни номига расмийлаштиришган экан. Энг қизиғи, агар ховли-жойни пастки қисми қайнотамга берилиб, юқори қисмида мен ва болаларим турадиган бўлсак, бизга кўчага чиқиш учун йўлак қолмайди. Агар орқа томондан эшик очадиган бўлсам, қайнотамнинг уч ўғли туради. Улар ҳам менинг ва болаларимнинг кўчага чиқишлари учун йўлак беришмайди. Демак ё уйдан воз кечишим керак ёки...

Ҳурматли таҳририят ходимлари, Сизлардан илтимос. Менинг бу боши берк кўчадан чиқишимга ёрдам берсангизлар".

ХУЛОСА

Тўғриси, биз бу ўринда эр, хотин ёки қайнота ҳақ, деб хулоса чиқариш ниятида эмасмиз. Бировни айблаб, кимнидир оқлаш ҳам ваколатимизга кирмайди. Эр, хотин, қайнотанинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида муносабат билдиришни эса ҳуқуқшунослар ихтиёрига ҳавола этамиз. Бу ўринда бор-йўғи инсонийлик, оқибат, меҳр-муҳаббатнинг ёзилмаган қонунлари ҳақида мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Хўш, инсон нима учун яшайди?

Бизнингча, инсон дунёга келар экан, албатта, бола-чақам, деб яшайди. Фарзандларимни камолини кўрай, деб ният қилади.

Рўзғорни — ғор, деб аташган отабоболаримиз. Демак, ҳар бир оиланинг ҳам ўзига яраша кам-кўсти, эр-хотин ўртасида паст-баланд гап-сўзлар бўлиши табиий ҳол. Ажралишлар илгари ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Албатта, ажрашишлар бўлмаса, нур устига аъло нур бўларди, лекин ҳаёт мураккаб...

Ҳар хил сабаблар туфайли ажрашишлар бўлиб туради. Кексаларнинг айтишича, бурунги эркаклар камдан-кам ҳолда талоқ сўзини тилга олишган. Чунки шариатда ҳам талоқ ҳаром ҳисобланган. Борингки, мажбурият юзасидан талоқ берган тақдирларида ҳам уйдан тўнни елкаларига ташлаб чиқиб кетишган. Ҳеч қачон ўз фарзандлари ёки собиқ аёллари билан уй-жой, молмулк талашмаган. Уларнинг кейинчалик кимгадир хор-зор бўлишини ўзлари учун ор деб билишган. Шунинг учун ҳам имкон даражасида уларнинг моддий таъминотига қарашиб туришган. Бунинг учун суднинг ҳукми ёки ажрими зарур бўлмаган.

Хўш, биз қайси юз билан ўз фарзандимиз ёки набирамизни кўчага ҳайдаб чиқараяпмиз?. Майли, аёлингиз ёмондир. Унинг камчиликлари бисёрдир. Лекин фарзандларингиз-чи? Уларнинг айби нимада? Ахир, улар сизнинг пушти камарингиздан бўлганку?!.

Агар Сурхондарёдан келган мактуб якка-ю ягона бўлганида эди, ушбу мақолани ёзиб ҳам ўтирмаган бўлардик. Бугун аёли билан алимент учун судлашиб, фарзандлари билан уй-жой, мол-мулк талашиб юрган эркаклар ҳам, афсуски, орамизда учраб турибди.Мана шуниси ачинарли.

Балки бизга шикоят ёзган аёлнинг қайнотаси ўзини қонуний ҳақ ҳисоблар. Эрнинг ҳам ўзини оқлаш учун важлари бордир. Биз ҳам уларни айбламаяпмиз. Бор-йўғи ўз набирангиз ёки фарзандингиз билан судлашиб юриш, эркак кишига ярашмайди, деган фикрни айтмоқчимиз, холос.

Қолаверса, сиз ҳам танангизга яна бир марта ўйлаб кўринг: ОДАМЗОД НИМА УЧУН ЯШАЙДИ?

Фарзанд учун, дейсизми? Унда болангиз бағрингиздами, биродар?!.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Mushohada

БАРЧА ДАРДНИНГ ДАВОСИ — МЕҲР!

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Нима бўлди-ю, қўқонлик Мунавваржон ва келинойиси Олияхоннинг йўли фуқаролик судига тушиб қолди. "Бирор иши бордирки, борган, йўқса, судда нима қилади?" дейишингиз мумкин. Дарҳақиқат, улар судга даъво аризаси билан келишди. Даъвогарлар Мунавваржоннинг отасидан қолган, айни пайтда укаси (судда жавобгар) Бурҳонжон яшаб келаётган Қўқон шаҳридаги Завқиобод кўчасида жойлашган 142-ховлини ота-онасининг умумий мулки деб топиш ва шу мулкнинг онага тегишли қисмидан ўзларига улуш ажратиб беришни сўраб ариза ёзишди.

Маълум бўлишича, ушбу ховлини даъвогар ва жавобгарнинг ота-оналари Йўлчибоев Тоиржон ва Йўлчибоева Лазокатхонлар сотиб олишган. 1962 йилда Т.Йўлчибоевга Қўқон шаҳар кенгашининг қарори билан ховлидаги мавжуд иморатларга нисбатан эгалик ҳуқуқи берилган. Орадан 10 йил ўтгандан кейин яна қўшимча равишда икки иморат қурилган. Қурилишда Мунавваржон ҳам иштирок этган. Катта ўғиллари Носир ва Мунавваржонни уйлижойли қилган ота кенжа ўғиллари Анваржон ва Бурҳонжон билан бирга яшай бошлади. Аввалига улар аҳил турмуш кечиришди. Лекин кейинчалик Анварнинг хотини Олияхон бўлар-бўлмасга жанжал қилиб, оиланинг тинчини бузди. Ҳатто у қайнотасига тухмат қилишгача борди. Келинининг бундай қилиғидан қаттиқ ранжиган қайнота 1978 йили ховлини тахта девор билан бўлиб беради. Орадан бир йил ўтгач эса, ота бутун ховлини кенжа ўғли Бурҳонжонга мерос сифатида қолдирди. 1983 йили Бурҳонжон меросни қабул қилиб олади. Ана шундан кейин Анваржон ва Бурҳонжоннинг оиласи ўртасида уй-жой низоси пайдо бўлди. Ушбу низо ҳозиргача давом этмоқда. Бу орада Анваржон руҳий касал бўлиб қолди (шунинг учун судда хотини қонуний вакил бўлиб қатнашади) ва унинг оиласига кўп қаватли уйлардан жой берилди.

Судда ҳар икки томон ўз гувоҳлари билан қатнашди.

— Биз Мунавваржон билан бирга ишлаймиз, — дейишди гувоҳлар Марат Охунов ва Асқар Аракулов — Ана шу уйни қуриш чоғида ғишт, цемент, оҳак, тош каби қурилиш материалларини ташишда ёрдам берганмиз. Аммо уй кимнинг маблағига қурилганидан бехабармиз.

Даъвогар ва жавобгарнинг акаси Носиржон, опаси Муқаддасхон ҳам гувоҳ сифатида қатнашиб, «Уйни Бурҳонжон қурганини аниқ биламиз. Мунавваржон эса қурилишда қатнашган, холос. Отамиз ўлим тўшагида ётганида у кишига Бурҳонжон қараган ва дафн маросимларини ҳам у ўтказган. Шунинг учун Мунавваржон билан Анваржон шу пайтгача мерос талаб қилишмаган", деб кўрсатма беришди.

Бундан ташқари судга қўшимча жавобгар сифатида Қўқон шаҳар ҳокимлигининг вакили Равшаной Очилдиева ҳам қатнашиб, кейинги иморатларни қуриш учун 1971 йилда рухсат берилгани ва ҳақиқатан ҳам, низоли уй Тоиров Бурҳонжонга мерос бўлиб ўтганини маълум қилди.

Суд ишдаги мавжуд материаллар билан танишиб, гувоҳларнинг кўрсатмаларига таяниб, масалани атрофлича муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъвосига нисбатан хулоса билдирди.

Амалдаги қонунчиликка биноан, агар мерос ворисларнинг бирортаси томонидан қабул қилинган бўлса, у ҳолда 1963 йил таҳриридаги "Фуқаролик кодекси" қоидалари татбиқ қилинади. Мазкур ҳолатда низоли ховли бўйича мерос мулк жавобгар Б.Тоиров томонидан қабул қилиб олинган бўлиб, унга ҳам 1963 йил таҳриридаги ФКнинг 599-моддасида кўрсатилган меросни қабул қилиб олишнинг 6 ойлик муддати ва 84-моддадаги даъво муддатларига оид қоидалар узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборилган ва бу муддатни узрли деб топиш учун асос йўқ. Чунки жавобгар меросни қабул қилиб олганидан буён 20 йил ўтди. Шу вақтгача даъвогарларнинг мерос ҳуқуқи бузилганини билмагани ҳақиқатга тўғри келади. Бироқ Мунавваржоннинг низоли ховлидаги кейинчалик қад ростлаган иморатларни ўзи қургани ва уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини ўзига белгилаш ҳақидаги талабларини қаноатлантириш мумкин эмас. Чунки Фуқаролик Кодексининг 150-моддасида умумий даъво муддати 3 йил қилиб белгиланган. Даъвогарлар эса 20 йил давомида ушбу мулкларни талаб қилиб олмаган. Шу билан бирга иш бўйича сўралган гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам уйнинг жавобгарга тегишли эканини исботлайди. Қолаверса, Анваржоннинг оиласига кўп қаватли уйлардан жой берилган. Низоли ховлидаги иморатларни ота-оналарининг умумий мулки деб топиш ҳам тўғри эмас. Бунинг сабаби шундаки, мерос очилган вақтда Тоиржон ва Лазокатхон Йўлчибоевларнинг эр-хотинлик муносабатида бўлишгани қонун ҳужжатлари билан тасдиқланмаган ва фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар ва туманлараро судининг 2003 йил 28 январдаги қарори билан расмийлаштириш рад этилган.

Хуллас, шу тариқа масала қонуний ечимини топди. Аммо туғишган ака-укаларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари натижасида низо пайдо бўлди. Энг ёмони, ака-ука орасидан меҳр-оқибат кўтарилди. Бу ачинарли ҳолат уларнинг фарзандларига ҳам ўз таъсирини ўтказмаслигига ким кафолат бера олади?

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йил мамлакатимизда "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинди. Бу ҳол бағри кенг ва саховатли халқимизнинг руҳини янада кўтариб юборди. Чунки меҳр-оқибат кўрсатиш энг юксак инсоний фазилат саналади. Шундай экан, бирбиримизга меҳр-мурувватли бўлайлик. Ана шунда юқорида баён этилган каби ҳолатларга ўрин қолмайди.

Абдураҳим МИРЗАЕВ,
ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

НАФС ОЛОВИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

II. "ХОЖАТБАРОР"

Нимасини айтасиз, ўзингиз ёки оила аъзоларингиздан бирортаси кўпчиликнинг иши тушиб турадиган ерда ишласа, ёмон бўлмас экан. Ҳар ҳолда кимдир у, кимдир бу масалада ёрдам сўраб олдингга келади. Акмалнинг хотини Дилбар ҳам шаҳар ҳокимлигида ишларди. Бир куни у эрига шундай деб қолди:

— Тоғамнинг қизи Маҳлиё "Сиз ҳокимиятда ишлайсиз. Бозорнинг ичидан дўкон қуриш учун ер олиб беринг", деб ҳолжонимга қўймаяпти. Нима қилганда ҳам, эркак киши билан эркак киши тил топиша олади. Шунга ёрдам берсангиз-чи?!.

Хотинининг гапи унга ёқиб тушди, шекилли, юзига табассум югурди. Бундай ишларни хамирдан қил суғургандек оппа-осон ҳал қилишини айтаркан, шундай деб қўшиб қўйди:

— Фақат тоғаваччангиз "харажати"дан қочмаса бўлгани...

Сўнг у "харажати"ни 1000 АҚШ доллари қилиб белгилади. Бу орада у ўзининг яқин ҳамтовоғи — Зоҳид билан танишиб олганди. Лекин ҳадеганда бозордаги жойдан дарак бўлавермади. Маҳлиё эса алданганини орадан бир ярим йил ўтгач, тушуниб етди ва у Дилбар орқали Акмалдан пулларини қайтариб беришни сўради.

— Акс ҳолда тегишли идорага мурожаат қиламан, — дея огоҳлантирди у.

Акмал ҳам ўз навбатида Зоҳидни ишга солиб уни чет эл валютасини қонунга хилоф равишда ўтказишда айблаб, қўрқитиб кўрмоқчи бўлди. Аммо Маҳлиё ҳам анойилардан эмасди, у айтган "чўпчаклар"га ишонмади. Шундан сўнг Акмал ноилож қолгач, Ноиладан олган тилло соатни унга бериб юборди.

III. "ОҚ ОЛТИН"ДАН БОШЛАНГАН "ОПЕРАЦИЯ"

Икки ҳамтовоқ Нина билан Фарруҳ ўртасидаги "олди-берди"дан ўша куни, яъни икки кун аввал "Оқ олтин" ошхонасида унинг раҳбари Баҳодир ака билан чақчақлашиб ўтиришганда хабар топишди.

— Бугун Нина билан гаплашиб, "иш"ни пишитиб олмасак бўлмайди, — деди Акмал Зоҳид билан ҳол-аҳвол сўраша туриб.

— Темирни қизиғида босиш керак, кейин кеч бўлади, — дея Зоҳид ҳам унинг фикрини тасдиқлади.

Шундан сўнг икковлон Нинанинг уйига йўл олишди.

— Фарруҳ деган йигит сиздан 3000 доллар қарз олиб, шуни бермаётган экан. Истасангиз, биз қайтариб олиб берамиз, — дейишди улар.

Бироқ уларнинг "ҳожатбарор"лиги Нинага маъқул келмади.

— Бу Фарруҳ иккимизнинг ўртамизда ҳал бўладиган масала. Бошқаларнинг аралашишига ҳожат йўқ.

Икковлон тарвузи қўлтиғидан тушиб, изига қайтаркан, беихтиёр Фарруҳни излаш тараддудига тушиб қолишди. Зоҳид уни қаерда яшашини қидириб топди-да, Акмалга рўбарў қилди.

Акмал эса ўзича қозилик қилишга тушди:

— Агар омонатни вақтида қайтарганингизда, бир бечора аёл бунчалик қийналмасди. Буни ҳал қилиш учун Тошкентдан "разборшик" "братан"лар келишган. Муаммони бартараф қилишни менга топширишди. Шундай бўлса ҳам уларга 100.000 сўм хизмат ҳақи бериб юбориш керак. Бордию, бундан бош тортсангиз, сизни тирик қўйишмайди...

Фарруҳ икки фирибгарнинг сўзларига лаққа ишонган, шунинг учун ваҳимага тушиб қолган эди. Бунинг устига у бу икковлондан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин, деган хаёлда орадан уч кун ўтиб, Акмалнинг қўлига 50.000 сўм келтириб берди.

— Қолгани ҳам уч кундан кечикмасин. Уни олиб келиш учун Зоҳид боради, — деди Акмал дағдаға билан.

Келишилган кунда эса Зоҳид Фарруҳни шаҳар алоқа уйи ёнида кутиб олди. У қоғозда ўралган 50.000 сўмни Зоҳиднинг қўлига тутқазди-да, ортиқча бир сўз демай изига қайтди. Бу "операция" кутганларидан ҳам осон битганидан икки товламачининг димоғи чоғ эди.

IV. ФИРИБГАРЛИК ТУЗОҒИ

Азимжон ўй юмушлари билан ўралашиб юрган эди, кутилмаганда эшик тақиллаб қолди. Чиқиб қараса, бир нотаниш йигит, нарирокда эса "Дамас" автомашинаси турибди.

— Келинг, меҳмон, хўш хизмат? — деди у.

— Мен махсус идоранинг вакилиман. — дея гап бошлади у, — келишимнинг боиси шуки, Бувайдада бир машина 2 та қизчани уриб, қочиб кетган. Бизнинг қўлимиздаги маълумотларга қараганда, машина сизга тегишли экан. Шунинг учун машинангизни ва ҳужжатларини олиб чиқсангиз, ўзингиз ҳам биз билан бирга борасиз...

Бу Зоҳид эди. "Дамас"да эса уларнинг сафига эндигина қўшилган, Тожикистоннинг Исфара шаҳрида яшовчи Шерзод ўтирарди. Улар Азимжоннинг олтиариқлик Шоҳруҳ акадан "07" машинасини гаровга қўйиб, 1000 АҚШ доллари олгани ва қарзни ўз вақтида қайтара олмагач, машинани бериб юборганини эшитишган ҳамда навбатдаги "ўлжа" топилгандек хурсанд бўлиб бу ерга келишганди. "Махсус идора ходими"нинг сўзларини эшитиб, хонадон соҳибининг ранги оқариб кетди. Ахир, ўзининг машинасида бошқа киши учинчи бир кишини, тўғроғи, норасида қизчаларни уриб юборганини эшитади-ю, хавотирга тушмай бўладими?!. Азимжон ўйга қандай қилиб кириб, ҳужжатларни олиб чиққанини ўзи ҳам билмай қолди.

— Мана ҳужжатлар. Аммо машинам Олтиариқда, Шоҳруҳбек деган оғайнимникида эди, — деди у ҳаяжонланиб.

— Машинага чиқинг! — дея буйруқ берди Акмал.

"Дамас" Олтиариққа қараб бурилди. Манзилга етишга икки-уч чақирим қолганда, Азимжон Шоҳруҳ акани қарама-қарши томондан ўзининг машинасида келаётганини кўриб қолди. Дарҳол машинадан тушиб, уни тўхтатишди.

— Нега бировнинг машинасини миниб юрибсиз, — дея салом-аликни ҳам унутиб дағдаға қила кетди Акмал, — бу машина нима каромат кўрсатганлигидан бехабарсиз шекилли?!.

Шоҳруҳ ака машинага ўз ҳисобидан 165.000 сўмлик эҳтиёт қисмлар сотиб олгани ва шуларни қўйдириш учун Ҳамза шаҳарчасига бораётганини айтди. Акмал зўрлик билан ундан машинанинг калитини ҳамда бензин қуйиш учун 1000 сўм пул олди-да, рулга ўтириб, Қўқонга жўнади. Ҳамтовоқлари унинг орқасидан эргашишди. Етиб келишач, Акмал Азимжонни ҳам қўрқитиб, давлат нотариал идораси орқали ўзига ишонч қоғози ёздириб олди.

Бу пайтда Зоҳид Азимжоннинг уйига бориб, унинг хотинига ўзини махсус идора ходимиман, деб таништираётган эди.

— Ҳозир "07" машиналаринг бизнинг ходимларимиз қўлида. Хўжайнингнинг содир этилган автоҳалокат учун жавобгарликка тортилиб, "тойчоқ"ларингиз сотилиб кетмасин десангиз, 60.000 сўм беришингиз керак. Акс ҳолда... Бугун эрингиз билан маслаҳатлашинг. Мен эрта келаман.

Зўравонларнинг бундай кўргулликларни келтириб чиқариши мумкинлигига шубҳа қилмаган эр-хотин эртаси куни улар айтган пулни беришди. Бироқ нафси ҳакалак отганлар бу билан қониқишмади. Машинани ҳам 30.000 сўм "устама" олиб, сўнгра қайтаришди.

V. ФОШ БЎЛГАН ЁЛҒОН

"Аждарҳо" божхона пости Бешариқ туманининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош қисмида жойлашган. Шерзод водийга ана шу пост орқали ўтиб келади. Кечаги келишувга мувофиқ, у соат 10.00 ларда шу ерга етиб келди. Акмал, Зоҳид ва Жасур исмли видеотасвирчи йигит уни интиқлик билан кутиб туришганди. Акмалнинг ишораси билан ҳаммалари бир хонага киришди. Шерзод тайёрланиб қуйидаги гапларни айта бошлаганда Жасур уни тасвирга ола бошлади:

— Исмим Шерзод. Ўзим Тожикистон фуқаросиман. Ҳақиқатдан ҳам, Анвар ака Расулов менга вилоятдаги айрим корхона, ташкилот рахбарларини ими-жимида йўқ қилишни, яъни ўлдириб юборишни топширганди. Бунинг учун менга 150.000 доллар ҳам берган.

Тасвирга олиш жараёни якунланди. Ундаги сўзлар шаҳар аҳли яхши танийдиган, обрў-эътиборли кишилардан бири бўлган Анвар Расуловга нисбатан тухматдан ўзга нарса эмас эди. Орадан икки кун ўтиб Акмал кассетани олиб, Анвар аканинг амакилари Ғолибжон ва Оқилжонларга учрашди.

— Манави кассетада жиянингизнинг барча кирдикорлари акс эттирилган. Энди буни махсус идорага топширмоқчиман. Буёғи эса сизларга боғлиқ, — деб "мақсад"га ўтди, яъни уни топширмаслик эвазига 100.000 АҚШ доллари беришларини сўради. Аммо амакилар кўпни кўрганлардан чиқиб қолишди. Ўғиллари тенги йигитнинг ўз нафси йўлидаги ёлғонларига ишонишмади.

— Ихтиёр ўзингда, — дейишди улар, — қаерга борсанг, боравер. Лекин бизни лақиллатолмайсан.

Акмал бундай муносабатни кутмаган эди. Шу боис унинг кўнглидаги қабиҳ нияти чиппакка чиқиб, шалвираб қолди.

VI. КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

Шоввозлар бунга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўлга олинганларидагина амин бўлишди. Фирибгарларнинг бутун қилмиши фош этилди. Суд уларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нега Акмал, Зоҳид ва Шерзодлар меҳнат қилмай пул топишга одатланишди? Нега улар бировнинг ҳақи бўюрмаслигини, қилаётган ишлари вақти келиб адолат тарозиси билан ўлчанишини ўйлаб кўришмади?

Улар бундай фирибгарлик йўлига киришига оиланинг ҳам айби йўқ деб бўлмайди. Агар ота-она фарзандларини ҳалол, пешона тери эвазига кун кўрадиган инсон қилиб тарбиялаганларида эди, бугун бу ҳолатлар юз бермаган бўларди. Зоҳид билан Шерзод олий маълумотли, оқ-қорани таниган йигитлар. Аммо улар ўрта мактабни аранг тамомлаган, қолаверса, бир марта "ўтириб" чиққан Акмалга эргашишди. "Қозонга яқин юрса, қораси юқиши" нахотки хаёлларига келмади. Жабрланувчилар Ноила, Фарруҳ, Азимжонлардан ҳам хатолик ўтган. Агар улар тегишли идораларни бундан хабардор қилиб ёки Маҳлиё каби огоҳлантириб, Анвар аканинг яқинларига ўхшаб "тошингни тер" қабилида иш юритганларида бунчалик азият чекмаган бўлишарди.

Бу воқеа бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Абдумажид МАМАТОВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Qilmish-qidirmish

ЛОҚАЙДЛИК

Суднинг қора курсисида бошқа биров эмас, энди вояга етиб келаётган ўспирин йигитчалар ўтиришибди. Улар уч киши... Учовлоннинг ҳам боши эгик, қилмишидан қаттиқ пушаймон.

Албатта, уларнинг ота-оналарига осон тутиб бўлмайди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини келажакда яхши инсон бўлиб камол топишини ўйлайди. Бу борада кеча-ю кундуз меҳнат қилади. Ота-оналик вазифасини сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилади. Аммо баъзи бир ҳолларда айрим фарзандлар ўз ота-оналарига панд беришади. Оқибатда эл-юрт ўртасида уларнинг юзини ерга қаратади.

Анвар Ҳайдаров (исми-шарифлар шартли равишда ўзгартирилди) ўтган йилнинг 15 апрель куни 14 ёшни қарши олган эди. Шукур Холматов эса 14 ёшга 19 октябр куни тўлар эди. Алишер Маҳмудов улардан ойликка пича каттароқ яъни 1987 йилнинг 14 декабр куни туғилган эди.

Хўш, бу шоввозлар қайси жиноятлари учун суднинг қора курсисига келиб қолди? Уларнинг гуноҳлари нималардан иборат?

Гап шундаки, улар амалдаги Жиноят Кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" бандида қайд этилган жиноятни содир этишган. Демак, масала ўта жиддий ва айни чоғда нозик. Масаланинг нозиклиги шундаки, жабрланувчи ҳам судланувчилар каби ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ғунча эди. Шу ўринда Учқўрғон туманлараро суд-тиббий экспертиза бюросининг ўтган йил 18 июндаги 43-сонли хулосасидан парча келтирсак: "Марҳум Нодир Аҳмедовнинг ўлими, - дейилади мазкур хулосада, - оғир ёпиқ бош мия жароҳати, калла қутиси ички гематомасидан кейинги мияни лат ейиши ва мия моддаларига ҳамда миячага кенг ҳажмда қон қуйилишидан юз берганлиги, бу тан жароҳатлар қаттиқ тўмтоқ жисм (қўл, оёқ) таъсирида юзага келган".

Шу ўринда ҳақли савол пайдо бўлади: хўш, ўлимига сабабчи бўлган оғир тан жароҳатини марҳум Н.Аҳмедов қачон, қаерда ва нима сабабдан олди?

Ҳамма гап шундаки, судланувчиларнинг ҳам, жабрланувчи марҳум йигитчанинг ҳам ота-оналари бир жойда яшашади. Учқўрғон ёғмой очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилишади.

- 3 июнь куни, - дейди суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили Соҳиба Аҳмедова, - ўғлим Нодиржонни дадасининг ўрнига далага ғўза яганасига юборган эдик. Кечки пайт, соат чамаси 17.00 ларда қизим Карима кўчадан гап топиб келди. У укаси Нодиржонни далада болалар билан ёқалашгани, касалхонага тушиб қолганини айтди. Оёғимни қўлимга олиб касалхонага чопдим. Ўғлимнинг хушсиз ётганлигини кўриб аъзои-баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

Афсуски, шу куни Нодиржон кўзини очмади. Орадан... икки кун ўтиб эса ота-онасига бир сўз айтмай у дунёдан кўз юмди. Онаизор фарёд кўтарди. Кимдир уни хушига келтириш учун сув келтирган, кимдир маҳкам бағрига босган қўйи сабр-бардош тилаган бўлди.

- Ўша куни Нодиржон, - дейди суд мажлисида гувоҳ Санобар Худойберганова, - "Мен сиз билан тушлик қиламан" деди. Кейин у қўлларини ариқдаги сувга ювгани борди. Шу пайт уни Алишер чақириб қолди. Нодиржон унинг ортидан эргашди. Улар бизлардан анча узоқлашди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай одамлар "болалар уришишяпти" деб қолди. Мен ҳам кўпчиликка қўшилиб болаларни ажратиб қўйишга бордим. Ерда Нодиржон ҳушсиз ётар эди. Уни Иброҳимжон ака машинасига солиб касалхонага олиб кетди.

Хўш, Алишер Маҳмудов ким? У нима учун Нодиржонни четга гаплашиб қўйиш учун чақирди? Анвар, Шукур ва Алишер 42-сонли ўрта мактабнинг 9-синфида ўқир эди. Нодиржон эса улардан 2 ёш катта эди, холос.

- Автобусда ўтириб далага келаётганимизда ортимдаги ўриндиқда ўтирган Нодир бошимга урди. - дейди судланувчи Анвар Ҳайдаров. - "Нега урасан", десам, у "мен эмас," деб тонди. Иккимиз гап талашиб қолдик.

Демак, автобус салонидаги бахс-тортишув далада ҳам давом этган. Анварга синфдошлари Шукур билан Алишер ёрдамга келишган. Уч навқирон йигитча Нодирни ўртага олиб дўппослашган. Оқибатда Нодир Аҳмедов оғир тан жароҳати олиб, ҳаётдан жуда эрта кўз юмган.

Жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман суди мазкур жиноий иш юзасидан ўз ҳукмини ўқиди. Суд ҳайъати судланувчиларнинг ўз айбларига тўлиқ иқрорлигини, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитларини ва энг муҳимми вояга етмаганликларини инобатга олди.

Баён этилган воқеа кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга чорлайди. Судланувчилар ҳам, жабрланувчи ҳам айни ўсмир ёшдаги йигитчалар. Улар катталарнинг беэътиборлиги туфайли боши берк кўчага кириб қолишди. Автобус салонида бошланган даҳанаки жанжал охир- оқибатда ўта фожеали тарзда якун топди. Шу ўринда халқимизнинг "Бола ширин, одоби ундан ширин" деган пур маъно ҳикмати ёдга тушади. Буни ҳар бир ота-она ҳар доим ёдида тутмоғи зарур. Акс ҳолда эса...

Мухиддин БОЙУЗОҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани судининг раиси
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Тахририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаўфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50